Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING 35 YILLIGI

Tilda, fikrda, ishda birlik!

جدید

Jadid

2026-yil 28-avgust
№ 35 (139)
www.jadid.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

35 йил – тарих учун жуда қисқа давр. Лекин ортда қолаётган йиллар ўзининг кўлами, ютуқ ва натижалари билан асрга татигулик давр бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди. Ушбу ўзгаришларнинг ҳақиқий муаллифи – меҳнаткаш ва олийжаноб халқимиздир.



* * *

Ўтган даврда мамлакатимизга 160 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция кирди. Иқтисодиётимиз 2,5 баробардан зиёд кўпайди. Жорий йил ялпи ички маҳсулот ҳажми 180 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

* * *

Саноат тармоқлари, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 5 миллион 700 минг доимий иш ўрни яратилди. Давлат ва хусусий сектор иштирокида 1 миллион 200 минг ўринли замонавий мактаб, 342 минг ўринли боғча ва 62 минг ўринли шифохоналар ишга туширилди.

* * *

Одамларнинг узоғини яқин қилиш учун 83 минг километр умумий фойдаланишдаги ички йўллар қурилди ва таъмирланди. Ҳудудларда 8 миллион аҳоли яшайдиган хонадонларга илк бор марказлашган ичимлик суви кириб борди, яна 11,5 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

* * *

Ўтган ўн йилда 650 минг оила янги замонавий уй-жойга эга бўлди. Халқимизда “Уйли бўлиш – ватанли бўлиш” деган нақл бор. Шу маънода, камида 2,5 миллион аҳоли ватанли бўлди!

ЕТТИКУНЛИК

ДЎСТЛИК ВА ЖЎМАРДЛИК АЙЁМИ

“...Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр” деб лутф этганди буюк туркий шоири Фузулий ҳазратлари. Дарҳақиқат, айни замонда дунёда кечаётган ошкор ва гизли эврилишларни қалб кўзи теран, тафаккур чароғи нурафшон уйғоқ инсонларгина илғайди. Юртимизда ва теварак-атрофда рўй бераётган оламшумул юксалиш ва ўзгаришларни ҳис қилиш ва қиёсан хулосаи холис чиқариш учун теран нигоҳнинг ўзигина кифоя бўлмай, идрок етагидаги инсоф ва шукрона ҳам жоиз. Улуғ айём арафасида биз куни кеча рўй берган муҳим ҳодиса – ўзбек ва озарбайжон қардошлар ҳамкорлиги мисолида янги тарихий саҳифага назар соламиз.

* * *



Бугун Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари тарихий кўтарилишни бошдан кечирмоқда. Марказий Осиё ва Жанубий Кавказнинг икки муҳим давлатлари ўртасидаги мулоқотлар расмий иттифоқчиликдан Абадий дўстлик даражасигача кўтарилди. Президент Илҳом Алиевнинг давлат ташрифи давомида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ва Олий давлатлараро кенгаш қарорлари ортида шунчаки сиёсий келишувлар эмас, балки халқларимизнинг минг йиллик орзу-интилишлари, муштарак келажакни биргаликда барпо этишдек эзгу орзулар мужассам.

“Абадий дўстлик шартномаси” – бу давлатларнинг келажак авлодларига тинчлик, яхши қўшничилик ва хавфсизликни мерос қилиб қолдириш ҳақидаги олий даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий ваъдасидир. Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистоннинг олий мукофоти – “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг эса Озарбайжоннинг энг юксак мукофоти – “Ҳайдар Алиев” ордени билан тақдирлангани бу иккиқардош халқнинг бир-бирига бўлган самимий эҳтироми ва эътирофининг яққол тасдиғи бўлди.

Дипломатик амалиётда давлат ташрифи давлат раҳбарининг хорижий ташрифларининг энг юқори шакли бўлиб, ўз протокол мақомига кўра расмий ва амалий ташрифлар, транзит сафарлар ҳамда халқаро саммитларда иштирок этиш учун амалга ошириладиган ташрифлардан устун туради. Шу кунгача Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тарихида бундай даражадаги давлат ташрифлари 2022 ва 2024 йилларда бўлиб ўтган эди.

Мулоқотларнинг бундай тез-тезлиги икки етакчига икки томонлама ва халқаро кун тартибидаги масалалар бўйича мунтазам равишда фикр алмашиш имконини беради. Бу ерда Илҳом Алиев бир неча бор дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муносабатлари деб баҳолаган икки етакчи ўртасидаги шахсий муҳит ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан ушбу доимий мулоқот Боку ва Тошкентга стратегик шерикликдан янада яқинроқ ҳамкорлик шаклига тезроқ ўтишга имкон берган омиллардан бири бўлди.

Ташриф жиддий транспорт-логистика кўламига эга бўлди. Ўзбекистон учун Озарбайжон Жанубий Кавказдаги оддий ҳамкор эмас, аксинча, Каспий, Кавказ, Туркия ва ундан кейин Европа бозорларига чиқишнинг асосий йўлларидан биридир. Озарбайжон учун эса Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорлардан бири ва Ўрта коридор учун муҳим юк базаси манбаи сифатида намоён бўлмоқда. 2024 йилдаёқ икки мамлакат ўртасидаги транзит ташишлар 18 фоиздан кўпроққа ўсди. Бироқ узоқ муддатли истиқболда юклар ҳажмини ошириш билан чекланиб қолинмайди.

Боку Алят порти қувватларини, ривожланган темир йўл тармоғини, муҳим транспорт коридорларини ва ғарб бозорларига бевосита чиқиш йўлларини таклиф этаётган аллақачон шаклланган логистика занжири Тошкент учун ўз жадал ўсаётган иқтисодиёти йўналишларини диверсификация қилиш нуқтаи назаридан стратегик манфаат касб этади.

Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик аҳолига, жадал ўсаётган иқтисодиётга ҳамда бутун минтақанинг асосий логистика ва саноат марказларидан бирига, узоқ муддатли истиқболда эса тўлақонли ўртача қудратли давлатга айланиш бўйича жиддий амбицияларга эга.

(Давоми 2-саҳифада).

МАМНУНИЯТ

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йил 1 июнь куни адабиёт, маданият ва санъат намояндалари билан учрашиб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни ҳамда ижод аҳлини қийнаб келаётган масалалар ечимларини белгилаб берди. Энг муҳими, тадбирда айтилган фикрлар, белгиланган устувор вазифалар қуруқ гап бўлиб қолмади – эртаси куниёқ Президентимизнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, барча ишларнинг масъуллари, аниқ муддатлари, маблағлари ҳам белгилаб берилди.



(Давоми 2-саҳифада).

ВАТАН МАНЗУМАСИ

БАХТ ЮЛДУЗИМ



Ўттиз беш йил!
Қаҳрамонлик замонаси –
“Ватан!” дея уриб турган юрак учун.
Янграмаса агар ҳурлик таронаси,
Мардлик нега керак, журъат керак нечун!
Адолатда – Темур, кучда – Бобур ўзинг,
Жалолиддин шиддатини мерос этган.
Улуғбекнинг юлдузлари – тиниқ кўзинг,
Илм деган нурни “тун”дан халос этган!

Ўттиз беш йил!
Навқиронлик ёшидир бу,
Ўғлони мард, қизлари гул – сулув диёр!
Ўзбек деган буюк элнинг хислати шу –
Меҳмондўстлик ила доим шод, бахтиёр!
“Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир,
кучдир!” – дея
Ҳайқирган ул Абдулҳамид Чўлпон ҳаққи!
Бирдамликда меҳнат қилсак ҳар сония
Мангуликка муҳрланар юрт равнақи!

Ўттиз беш йил.
Бунёдкорлик ёшидир бу –
Йигит-қизлар маслагида мақсади бор.
Ҳалол меҳнат, ҳалол тузу ошидир бу –
Билагида – куч, Ватанга бўлар мадор!
Она халқим, улуғ йўлга чиқдинг бугун,
Кетмоқдасан тараққиёт тахти тараф,
Янги ҳаёт, келажакни қурмоқ учун
Ягона халқ, якдил миллат бўлмоқ шараф!

То тирикман, танда уриб тураркан жон,
“Сен биланман!” – азиз аҳдим, қутлуғ сўзим!
Ягонамсан, юртим, Янги Ўзбекистон,
Фақат ўзинг – мангу порлоқ бахт юлдузим!

Шаҳноза РАЙИМОВА,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Jadid” газетасининг ижодий ишлар танлови қатнашчиси

(Давоми 8-саҳифада).

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан 852 нафар шахсни афв этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой, Непал ва Покистондаги инсонлар ҳалок бўлган табиий офат ва ёнғин муносабати билан ушбу давлатлар раҳбарларига ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига Мустақиллик куни муносабати билан АҚШ ва Канадада яшаётган юзлаб ватандошларимиздан миннатдорлик ва табрик мактуби келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди 29-30 август кунлари давлат ташрифи билан Тошкентга келади.

ҚАДРИЯТ



ОБИДАСИ

Бугун, Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз беш йиллик тантаналари арафасида кўҳна Хартанг қишлоғига назар ташлаган киши бу ерда Истиқлолнинг маънавий қудратини кўради. Зеро, озод миллат буюк аждодларини хотирада сақлаш билангина чекланмайди, балки уларнинг эзгу меросини халқимиз ва инсоният келажагига етказишга интилади.

Миллат Етакчиси Шавкат Мирзиёев ушбу мажмуанинг бош бунёдкори сифатида фақатгина йирик меъморий мажмуа қуриш ғоясини илгари сурмаган, айни пайтда тарихий хотирани замонавий музейшунослик билан уйғунлаштирган мактаб яратишни мақсад қилган.

МУҚАДДАС МАНЗИЛ

Имом Бухорий дафн этилган Хартанг асрлар давомида муқаддас зиёратгоҳ бўлиб келган. Турли даврларда қабр устида мақбара, ёнида масжид ва зиёратчилар учун иншоотлар барпо этилган. Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар замонида Самарқанд илму маданият марказига айланар экан, улуғ муҳаддис хотирасига эҳтиром ҳамда юксак қадрият сифатида яшаб келган. Кейинги асрларда сиёсий ва ижтимоий шароитлар ўзгарган бўлса-да, халқнинг бу қадамжога бўлган муҳаббати сўнмаган.

(Давоми 3-саҳифада).

ДИЛ СЎЗИ

МИЛЛАТ БАЙРАМИ

Айни кунларда қардош Ўзбекистон Республикаси катта миллат байрами – давлат Мустақиллигининг 35 йиллик тантаналарига тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан Тожикистон Республикаси, унинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари, жумладан, ўзим ва оилам номидан ҳамиша дўст ўзбек халқини самимий табриклайман.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 34 йил бўлди. Ўтган давр оралиғида давлатлараро ташқи алоқалар изчил ривожланди, икки мамлакат ўртасидаги олий даражали ташрифлар динамикаси ўсди. Ўзбек-тожик муносабатлари барқарор ривожланиш суръатини намоён этиб, ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишларини қамраб олди. Ўзаро савдо айирбошлашнинг ўсиши, қўшма инфратузилмавий лойиҳалар истиқболи, ва айниқса, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг фаоллашуви икки қардош мамлакат учун стратегик шерикликнинг юксалаётганини кўрсатади.

Мустақиллик даврида ҳукуматнинг оқилона сиёсати ва меҳнаткаш халқнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон кўз ўнгимизда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда салмоқли натижаларга эришди ҳамда халқаро муносабатларда фаол иштирокчи сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Сўнгги йилларда муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ва Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган жадал ислоҳотлар мамлакат статусини янги босқичга олиб чиқди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ривожланишга, таълим, маданият ва спорт соҳаларида халқаро майдонда салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, кейинги йилларда рўй бераётган ўзгаришлар минтақавий ривожланишнинг умумий динамикасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Халқаро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон муҳим позицияни эгаллаб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, глобал тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланишга қаратилган прагматик ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг Марказий Осиё доирасида стратегик шериклик тизимини йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлари, шунингдек, жаноб Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари механизмини яратиш ташаббуси алоҳида эътирофга лойиқ. Ушбу механизм Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги интеграцияни янада



Исматулло НАСРЕДИН,
Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси

чуқурлаштириш, тинчлик ва хавфсизлик ҳудудини барпо этиш ҳамда минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган.

Ишончим комилки, Янги Ўзбекистон ислоҳотлари, шубҳасиз, аҳолининг яшаш тарзини яхшилаш, фаровонликни янада оширишга ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, умуммиллий бахт, юксак тараққий тилайман. Азалий дўстлик, яхши қўшничилик ва бирдамлигимиз бардавом бўлсин!

ДЎСТЛИК ВА ЖЎМАРДЛИК АЙЁМИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Боку эса, ўз навбатида, ушбу координатлар тизимида ноёб географик афзалликка эга бўлган ва Марказий Осиёнинг “ғарбий дарвозаси” каби стратегик роль бажарадиган табиий ҳамкор сифатида майдонга чиқади.

Маълумки, Фузулий шаҳрида Ўзбекистоннинг қардошларча қўллаб-қувватлаши билан Мирзо Улуғбек номидаги замонавий ўрта мактаб қурилди. Бундан ташқари, Хонкендида Ўзбекистоннинг фаол иштирокида икки мамлакат етакчилари шахсан ташриф буюрган йирик тикувчилик фабрикаси аллақачон фаолият юритмоқда. Бу лойиҳаларнинг биз учун аҳамияти жуда чуқур бўлиб, иқтисодий ёки гуманитар функция доирасига сиғмайди. Ўзбекистон аслида Марказий Осиёда Озарбайжон суверенитетини қайта тиклашга нафақат дипломатик ёрдам кўрсатган, балки жабр кўрган ҳудудларни амалий қайта тиклашга қўшилган биринчи давлат бўлди. Ўз навбатида, Озарбайжон ҳам Ўзбекистон ҳудудида йирик лойиҳаларни амалга оширишда – энг аввало, саноатда (шу жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар), энергетика секторида (SOCAR линияси бўйича), шунингдек, қурилиш ва транспорт инфратузилмаси соҳасида фаол иштирок этмоқда. Шу сабабли ушбу ташриф давомида инвестициялар ва саноат кооперацияси, транспорт-логистика ўзаро боғлиқлиги ва ҳамкорликнинг минтақавий институционаллашуви мавзулари алоҳида ўрин тутди.

Икки қардош мамлакат барча масалаларда ҳамиша бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётгани фикрчан фуқароларда фахр-ифтихор уйғотади. Бу позиция икки томонлама муносабатлар учун муҳимдир. Боку ва Тошкент халқаро майдонларда фаол ҳамкорлик қилмоқда ва позициялари мос келадиган жойларда бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Бугунги кунда икки мамлакат БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Қўшилмаслик ҳаракати доирасида ҳамкорлик қилмоқда.

Муносабатларимиздаги сиёсий ҳамкорликнинг янада кенгроқ кўлами Марказий Осиё билан боғлиқ. Озарбайжон сўнгги йилларда минтақадаги сифат жиҳатидан барча давлатлар билан муносабатларни изчил мустаҳкамлаб келмоқда. Унинг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида тўлақонли иштирок этиши ҳақидаги қарори муҳим воқеа бўлди. Бу қарор ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон раислигида ўтган 7-Маслаҳат учрашувида қабул қилинган эди.

Боку учун мазкур формат Марказий Осиёнинг бешта давлати етакчилари билан биргаликда минтақавий масалаларни бевосита муҳокама қилиш имкониятини берди.

Озарбайжон иштирокида Марказий Осиёнинг бешта давлатини бирлаштирган аввалги “С5” формати янги мазмун касб этди. Илгари “С5” деб аталган ҳамкорлик формати аслида “С6” форматига айланди, минтақавий мулоқот ва стратегик шериклик эса янги мазмун ва кўламга эга бўлди. География жиҳатдан бу қарор мутлақо қонуниятдир: Озарбайжон Жанубий Кавказда, Марказий Осиё мамлакатлари эса Каспий денгизининг бериги қирғоғида жойлашган. Уларнинг ягона сиёсий формат доирасида бирлашиши икки қўшни минтақа ўртасида бевосита ҳамкорликнинг қўшимча каналини яратади.

МУСТАҚИЛЛИК – ФИДОЙИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ДЕМАК

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида мамлакат ҳаётидаги энг муҳим қадриятлардан бири – инсон меҳнати ва фидойилигини эътироф этиш анъанаси яна бир бор намоён бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ ватандошларни тақдирлаш маросими халқимизнинг муносиб фарзандларига кўрсатилаётган юксак ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди. Тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари йиғилганларни улуғ айём – Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий муборакбод этди.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада салмоқли натижалар қўлга киритилди. Мамлакатимизга 160 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция кириб келди. Иқтисодиёт ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди.

Жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 180 миллиард доллардан ошириш мақсади белгиланган. Саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалигида 5 миллион 700 мингта доимий иш ўрни яратилди. Таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Давлат ва хусусий сектор иштирокида 1 миллион 500 минг ўринли мактаблар, 342 минг ўринли мактабгача таълим ташкилотлари ва 62 минг ўринли шифохоналар барпо этилди.

Мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан 558 нафар фидойи ватандош юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Уларнинг ҳар бири турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Хоразмда кўп йиллар давомида бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшиб, бугун нуронийларга бошчилик қилаётган Рустам Султоновнинг хизматлари – авлодлар давомийлиги ва эл-юртга садоқат намунасидир. Сурхондарёда чўлларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни ривожлантиришга умрини бағишлаган меҳнат фахрийси Абдусаттор Қурбоновнинг ҳаёт йўли матонат ва меҳнат қаҳрамонлигини намоён этади.

Бекобод металлургия комбинатида узоқ йиллардан бери пўлат эритувчи бўлиб ишлаётган Ғуломжон Туроновга “Хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвонининг берилиши эса бутун металлурглар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Пахтачилик ва ғаллачиликда юқори натижаларга эришган наманганлик Илҳом Зиёвуддинов, пиллачиликда юқори ҳосил олаётган бухоролик Жамила Худойбердиева, чорвачиликда илғор технологияларни жорий этаётган қорақалпоғистонлик Эсенбай Айтимуратов ҳамда сув тежамкор тизимларни ривожлантираётган самарқандлик ирригатор Асланқул Каримқулов каби юртдошларимиз меҳнати ўз соҳасидаги минглаб инсонларнинг фидойилигини ифодалайди. Демак, мукофот бир шахсга берилган тақдир туҳфаси эмас. У муайян касб, соҳа ва меҳнат жамоасининг мамлакат ривожидаги ўрнининг эътирофидир.

Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистоннинг энг катта натижаси ўзгарган инсон, ўз кучига ишонган фуқаро ва эртанги кунга дахлдорлигини ҳис қилаётган жамият эканини таъкидлади. Ушбу фикр мустақилликнинг мазмун-моҳиятини чуқур ифодалайди. Чунки Истиқлол фақат давлат чегаралари ёки расмий рамзлар билан чекланмайди.

У аввало инсоннинг ўз тақдири, оиласи ва юрти келажагига ишонч билан қарашида намоён бўлади. Ўз фикри, ташаббуси ва меҳнати билан жамият ҳаётига таъсир кўрсата оладиган фуқаро – мустақилликнинг энг катта мевасидир.

Мустақилликнинг 35 йиллиги босиб ўтилган йўлни фахр билан эслаш, эришилган ютуқларни муносиб баҳолаш ва келгуси вазифаларни белгилаш учун муҳим тарихий палладир.

Бугунги давлат мукофотлари адолат ва қадр тимсоли бўлиб, халқимизнинг энг яхши фазилатлари – ҳалол меҳнат, садоқат, жасорат ва бунёдкорликни янада рағбатлантиради.

Мукофот муборак, азиз назаркарда юртдошлар!

Истиқлол аталмиш Тангри инояти ва ёрлиғи қутлуғ бўлсин, толеи ёруғ замондош!

Иқбол МИРЗО

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Бошланиши 1-саҳифада.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, соҳада истеъдодларни юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида янги тизим жорий қилиниши кўзда тутилмоқда. Жумладан, театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолғу, тасвирий ва амалий санъат каби 21 та йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилади. Бу бирлашмаларга бир томондан устоз ижодкорлар, иккинчи томондан вазирлар ва компания раҳбарлари ҳамраис бўлади. 2027 йилдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг йиллик ижодий ҳисоботи шаклида Миллий ижодкорлар қурултойи ўтказилади, унда бирлашмаларнинг йил давомида энг яхши натижа кўрсатган фаоллари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади.

Истеъдодларни аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг продюсерлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомисиз “Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилади. Мазкур жамғармага ҳар йили республика бюджетидан 200 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Маданият вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2027 йилдан бошлаб ҳар йили театр, чолғу, хор ва рақс йўналишида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида туман – вилоят – республика даражасида танловларни ўтказиб боришни йўлга қўяди. Бунда ҳар бир йўналиш бўйича республика даражасидаги танловда ғолиб деб топилган умумий ўрта таълим муассасасига жамғарма маблағлари ҳисобидан 500 миллион сўмдан грант берилади. Республика танлови ғолиблари маданият ва санъат йўналишлари бўйича давлат таълим ташкилотларига киришда ижодий имтиҳондан озод этилади ва уларга максимал балл берилади.

Кўпинча санъат соҳасидаги истеъдодли болалар чекка қишлоқ ёки олис ҳудудларда қолиб кетади. Улар ўз қобилиятини намоён этиш учун имконият топа олмайди. Туман – вилоят – республика босқичларини қамраб олган янги тизим эса мамлакатнинг ҳар бир ҳудудидаги навқирон иқтидорларни аниқлаш ва уларни профессионал санъат таълимига йўналтириш имконини яратади. Энг муҳими, бу танловларда фақат алоҳида ўқувчи эмас, балки бутун мактаб жамоаси иштирок этишида. Ҳар бир йўналиш бўйича республика ғолибларига 500 миллион сўмлик грант ажратилиши ташаббуснинг моддий асослари пухта ўйланганини кўрсатиб турибди.

Фармонда соҳани қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш бўйича қатор чоралар белгиланган. Жумладан, 2026 йил 1 сентябрдан 2036 йил 1 январга қадар асосий фаолияти концерт-томоша, кинематография, болалар учун контент яратиш бўлган субъектлар, нодавлат театр ва театр-студиялар ҳамда маданият ва санъат йўналишидаги хусусий таълим ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғидан, уларда ишловчи ходимлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади. Хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида кино маҳсулотини яратиш билан боғлиқ фаолияти натижасида олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига тўлов манбаида солиқ солишда солиқ базасига киритилмайди.

Ҳужжатда болалар учун контент яратиш билан шуғулланувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида қайд этилган. Бу жуда долзарб масала. Бугун болаларнинг ахборот муҳити кўп жиҳатдан чет эл маҳсулотлари таъсирида шаклланмоқда. Миллий қадриятлар, тил ва маънавиятни акс эттирувчи сифатли мультфильмлар, спектакллар, мусиқий дастурлар ва кино маҳсулотларига эҳтиёж катта. Солиқ имтиёзлари маҳаллий продюсерлар ва ижодий жамоаларни айнан шу йўналишга сармоя киритишга рағбатлантиради. Бу эса келажак авлоднинг маънавий тарбияси ва миллий ўзлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида кино маҳсулотини яратишдан олган даромадларини солиқ базасига киритмаслик тўғрисидаги меъёрлар мамлакатни халқаро киноиндустрия учун жозибадор ҳудудга айлантиришга қаратилган стратегик қадамдир. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, кино ишлаб чиқариш учун қулай солиқ сиёсати мамлакатларни халқаро медиа марказга айлантириши мумкин. Масалан, Грузия, Венгрия ва Бирлашган Араб Амирликлари шундай механизмлар орқали йирик кинолойиҳаларни жалб этган.

Бу тарихий ҳужжатда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили молиялаштириладиган қатор йўналишлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, эндиликда йилига камида 50 та энг сара асарни яратиш учун шоир ва ёзувчиларга ижодий буюртма берилади. Опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар бўйича ҳар йили камида 20 та янги асар яратиш учун ижодкорларга давлат буюртмаси таклиф қилинади.

Ҳар йили миллий адабиётимизнинг энг сара 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш ва муаллифлар иштирокида чет элларда тақдимотлар ўтказиш харажатлари қоплаб берилади. Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларни нашр этиш учун қоғоз харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам қопланади. Шеърият билан санъатни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиладиган энг сара 100 та шеърий концертни ўтказиш бўйича давлат буюртмаси шакллантирилади.

Фармонда ёш истеъдодлар ва уларнинг устозларини қўллаб-қуватлаш бўйича янги тартиб ўрнатилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги нуфузли халқаро ва республика танловлари ғолиб ва совриндорлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Чунончи, гран-при ва 1-ўрин ғолиби – халқаро танлов бўйича 300 миллион сўм, республика танлови бўйича 100 миллион сўм билан тақдирланади. Танловларнинг ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган ўқитувчи (концертмейстер)нинг ойлик маошига эса бир йил давомида 100 фоизгача устама тўланади. Нуфузли халқаро танловларнинг ғолиб (совриндор)лари ва уларнинг ўқитувчи (концертмейстер) ларининг танловларда иштирок этиши харажатлари тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

Кўп йиллар давомида маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳақида гап кетганда уларнинг ижодий ютуқлари, саҳнадаги муваффақиятлари ёки маънавий хизматлари ҳақида кўп сўзланарди. Бироқ ҳар қандай ижодкор ҳам, аввало, инсон. Унинг ҳам оиласи, фарзандлари, турмуш ташвишлари бор. Шу маънода, ҳар йили 1000 нафар уй-жойга муҳтож маданият, санъат ва ижодий соҳа вакили учун ипотека кредитлари ажратилиши назарда тутилгани соҳа вакилларининг энг долзарб эҳтиёжларидан бирига самарали ечим бўлди. Мазкур дастурнинг аҳамиятини янада оширадиган жиҳат – давлатнинг бошланғич тўлов ва кредит фоизларининг муайян қисмини ўз зиммасига олишидир.

Яна бир муҳим янгилик – бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган маданият, санъат ва адабиёт вакилларининг ижара харажатларини қисман қоплаб бериш тизимининг жорий этилишидир. Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг олти баравари, ҳудудларда тўрт баравари миқдорида ижара харажатларининг қоплаб берилиши кадрлар мобиллигини оширишга хизмат қилади. Мазкур қарор орқали маданият марказлари фақат пойтахтда эмас, балки барча ҳудудларда шаклланиши учун замин яратилади.

Ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳудудларда инклюзив ижодий устахоналар ташкил қилинади.

Соҳада нодавлат сектор фаоллигини ошириш, киноиндустрияни янада ривожлантириш, ҳудудларда маданият тадбирларини ташкил этиш ва китобхонликни юксалтириш, таълим тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ яна кўплаб чора-тадбирлар белгиланганки, буларнинг барчаси жонажон Ватанимизда маданият, санъат ва адабиётни янада тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу халқимизни азалий орзулари ижобатига янада яқинлаштиради. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур муҳим фармони Ўзбекистонда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига давлат тараққиётининг стратегик йўналиши сифатида қарашга ўтилганининг яққол тасдиғидир.

* * *

Мустақиллик байрами остонасида минг ҳаяжон ва чексиз эҳтиром билан юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигига кўз тегмасин деб, ўз меҳр-муҳаббатимни изҳор этмоқчиман. Осмони мусаффо, халқи фаровон, санъати ва маданияти буюк Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги абадий бўлсин! Санъаткорлар шу жаннатмонанд юрт мадҳини куйлаб толмасинлар! Ватан сарҳадларини қўриқлаётган Амир Темур набиралари омон бўлсин! Зеро, Ватанни севмоқ иймондандир.

ЭЪТИРОФ

ИЛМ ИНСОН УЧУН



Уйғун ҒАФУРОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори

Мамлакатимизда кейинги йилларда диний таълим соҳасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан учта олий, битта ўрта махсус диний таълим муассасаси, тўртта халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳада мазмун ва сифат жиҳатдан янги даражадаги ислоҳотларни бошлаб берди. 1971 йилдан 2017 йилга қадар Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ушбу йўналишда ягона олий таълим муассасаси ҳисобланган бўлса, қисқа даврда Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Сурхондарёда Имом Термизий ислом институти ва шу номдаги мадраса иш бошлади. Айни вақтда беш юз йиллик тарихга эга Мир Араб олий мадрасасини ал-Азҳар даражасига олиб чиқиш бўйича ишлар бошланди.



Янгиланишларни Тошкент ислом институти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, муассасамиз 2022 йилдан кредит-модуль тизимига ўтди ҳамда HEMIS электрон таълим платформасига уланиб, таълим жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилди. Институт илмий салоҳиятини ошириш бўйича тизимли ишлар қилиниб, сўнгги йилларда мударрисларнинг 26 нафари фалсафа доктори (PhD), 2 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлди, илмий салоҳият 23 фоизга ўсди. Яқин ойларда яна 10 нафар тадқиқотчи диссертация ҳимоя қилади. Асрлар давомида миллий мадрасаларда шаклланган таълим тизими ҳамда етакчи хорижий ислом университетлари тажрибасини эътиборга олган ҳолда, ўқув режа ва фан дастурлари янада такомиллаштирилди, мутахассислик фанлари бўйича янги авлод дарсликлари тайёрланди ҳамда таълимнинг узлуксизлиги таъминланди.

Мутахассислик фанларини буюк алломаларимизнинг мўътабар асарлари, уларга ёзилган шарҳлар ва ҳошиялар асосида ўқитиш бўйича “Хатмул кутуб” анъанаси ҳамда устоз-шогирд ўртасидаги узвийликни таъминловчи “Ижоза” бериш тизими тикланди. Иорданиядаги Халқаро ислом фанлари университети, Бирлашган Араб Амирликларидаги Муҳаммад ибн Зойид ва Васл университетлари билан меморандумлар имзоланиб, дипломларни ўзаро тан олиш бўйича келишувларга эришилди. Мисрдаги ал-Азҳар, Маккадаги Уммул Қуро университетларида ислом илмларини ўқитишнинг замонавий методикалари яқиндан ўрганилди. Ал-Азҳар университетидан малакали устозларнинг талабаларимизга сабоқ бериши, ўқитувчиларимизнинг Саудия Арабистони, Миср ва Туркиядаги университет ва илмий марказларда малака ошириши йўлга қўйилди. Айни пайтда институтимизда магистратура таълими 6 та мутахассислик бўйича очилган. Илк битирувчилар ҳимоя жараёнида 52 та илмий мақола ва тезис нашр этгани – дастлабки амалий натижалардан биридир. Уларнинг барчаси Ўзбекистон мусулмонлар идораси тизимида иш билан таъминланди.

Албатта, фақат имкониятнинг ўзи ҳали натижа дегани эмас. Уни натижага айлантирадиган асосий куч устоздир. Устознинг википедия каби дастурлардан фарқи у фақат маълумот бермайди, балки шахсни тарбиялайди. Бунинг учун замонавий педагогдан, аввало, талабани мустақил фикрлашга ўргатиш кўникмаси талаб этилади. Бугун диний билим бераётган педагогнинг қўлида оддий талаба эмас, бўлажак олим, уламо таҳсил олялпти. Шу маънода, ҳар бир мударрис “Мен қандай дарс беряпман?” ва “Мен қандай инсонни тарбиялаяпман?” деган саволларни ўзига бериши лозим. Буюк муҳаддис ва олим Абдуллоҳ ибн Муборакдан: “Бизга кўп илмдан кўра, оз бўлса-да, одоб кўпроқ зарур”, деган машҳур сўз нақл қилинади. Билимли, аммо муомала маданияти паст мутахассис жамиятга кутилган даражада фойда келтира олмайди. Шунинг учун биз “илм – одоб – масъулият” учлигини диний таълимнинг асосий тарбиявий формуласи, деб биламиз.

Жорий йил 1 ноябрда Тошкент ислом институти ташкил этилганига 55 йил тўлади. Фидойи уламоларимиз илк сабоқларданоқ диний ва замонавий илмларни пухта эгаллаган мутахассис тайёрлашни асосий вазифа сифатида белгилаган. Бугун “замонавий илм” тушунчаси анча кенгайган. Энди унинг доирасига педагогика, психология, социология, ахборот технологиялари, рақамли саводхонлик, сунъий интеллект, хорижий тиллар, замонавий илмий тадқиқот усуллари ҳам киради. Бугун биз бу вазифаларни янада юқори босқичга олиб чиқишимиз зарур. Биз аждодлардан узилмаймиз, аммо фақат ўтмиш билан ҳам яшамаймиз. Биз бугун аждодлар меросига таянамиз ва келажак учун мутахассис тайёрлаймиз.

Бугун талаба фақат дарсликка боғланмаган. Унинг қўлида смартфон бор. Демак, бир вақтнинг ўзида ўнлаб, балки юзлаб манбалардан ахборот олиши мумкин. Аммо ўша манбаларга жойланаётган билим ким томонидан қай мақсадда тарқатиляпти? Мана, муаммо қаерда. Шу боис, диний-маърифий соҳа вакили ўта закий, ҳушёр ва дунёқараши кенг бўлиши шарт. Шундан келиб чиқиб, 2030 йилгача нималарни ўзгартириш лозимлиги ҳақида кенгашиб, энг муҳим масалаларни аниқлаб олганмиз. Битирувчининг диплом олиши эмас, жамиятда ўз ўрнини топиши бизнинг асосий мақсадимиздир.

Бугун илм-фан соҳасини сунъий идрок иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сунъий интеллект диний таълимга ҳам кириб келмоқда. Биз бундан қўрқишимиз эмас, ундан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керак. Зеро, бу тафаккур маҳсули талабаларга тил ўрганиш, таржима, библиографик қидирув, таълим материаллари тайёрлаш, мустақил таълими учун катта енгилликлар беради. Лекин бир қоида ўзгармасдир: сунъий интеллект бу – диний манба эмас. Шунинг учун келажак мутахассиси технологияни биладиган, аммо технологияга кўр-кўрона эргашмайдиган мутахассис бўлиши даркор.

Бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат анъанаси Ўзбекистон диний-маърифий мактабининг муҳим хусусиятларидан бири эканини яхши биламиз. Имом Бухорийнинг ҳадис илмидаги аниқлик ва масъулият мактаби, Имом Мотуридийнинг ақл ва нақл уйғунлиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг фиққий тизимлаштириш маҳорати, Абу Муин Насафийнинг ақидавий тафаккури бизга шундай сабоқ беради: диний илм – чуқур далилга таянадиган, тафаккурни рад этмайдиган ва инсонни маърифатга етаклайдиган илмдир. Шу боис, диний таълим муассасаси битирувчиси ўз динини чуқур билиш билан бирга, бошқа мазҳаб ва дин вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўла олиши керак. Бу – замонавийлик эмас, аввало, бизнинг миллий диний-илмий анъанамиздир.

Бугунги кунда жаҳонда минглаб диний таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Бироқ уларнинг бир нигоҳи доим Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон илмгоҳларига қаратилган. Чунки, ўлкамиздан бухорийлар, термизийлар, замахшарийлар, мотуридийлар, марғинонийлар, берунийлар, улуғбеклар, хоразмийлар етишиб чиққан. Бу шонли диёрда камол топган уламою фузалоларга башарият ҳамиша муҳтож бўлган. Бугун дунё аҳли Имом Бухорий мажмуаси, Ислом цивилизацияси маркази, илмий-тадқиқот марказларимиз ва олий таълим даргоҳларимиз зиёсидан баҳра топмоқда. Уларнинг нигоҳида янги авлод ютуқларидан ҳайратни ўқиймиз. Мана шу шукуҳ бардавом бўлишида биз, диний-маърифий таълим муассасалари вакиллари муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Зеро, илм илм учун эмас, аввало, инсон учун, эл-юрт фаровонлиги учун хизмат қилмоғи керак.

Фурсатдан фойдаланиб, энг улуғ, энг азиз байрам билан барча ватандошларни муборакбод этаман!

МАЪРИФАТ ОБИДАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Мустақиллик йилларида мажмуа обод қилиниб, Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги муносабати билан янги мақбара ва масжид бунёд этилган. Бироқ зиёратчилар сони кундан-кун ошиб, мавжуд ҳудуд ва инфратузилма кенг халқаро оқимни қабул қилиш учун торлик қила бошлади. Шунингдек, Имом Бухорийнинг улкан илмий меросини замонавий музей, таълим ва тадқиқот воситасида тўлақонли намоён этадиган яхлит мажмуага зарурат туғилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш ниятини изҳор қилди ва буюк муҳаддис шарафига бунёд этилажак мажмуа у зотнинг ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши, Ўзбекистондаги зиёрат туризмининг асосий масканларидан бири сифатида зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиши шартлигини алоҳида таъкидлади.

2019 йили Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби фаолияти ҳам янги босқичга кўтарилиб, мажмуанинг тўрт таянчи – зиёрат, ибодат, илм ва таълим ягона ҳудудда ўзаро уйғунлашиши учун мустаҳкам замин яратилди.

2021 йил 15 апрель куни – муборак Рамазон ойининг дастлабки кунларида Имом Бухорий зиёратгоҳидаги янги мажмуа қурилиши бошланди. Президентимиз 2022 йил 7 февралда қурилиш лойиҳалари тақдимотида мажмуанинг ички ва ташқи безакларига оид чизмаларни кўриб чиқди. Бу пайтга келиб асосий бинолар қад ростлаган, пардозлаш ишларига тайёргарлик бошланган эди. Давлатимиз раҳбари деворларни миллий нақшлар ва пардозбоп тошлар билан безаш, мақбарада наққошлик ва хаттотлик санъатини уйғунлаштириш, қадимий услубда Қуръон оятлари ва ҳадислар битилиши бўйича кўрсатмалар берди. Меъморчилик бу ерда фақат шакл эмас, маънога айланди. Мовий гумбазлар Самарқанд осмони ва темурийлар меъморчилигининг давомийлигини, тўрт минора ислом маърифати нурининг тўрт томонга тарқалишини, кенг айвонлар эса бағрикенглик ва меҳмондўстликни ифода этади.

Бу йилларда мажмуанинг фақат миқёси эмас, маънавий мазмуни ҳам бойиди. Инновацион музей учун Имом Бухорий ҳаёти, сафарлари, устоз ва шогирдлари, асарлари, ҳадис тўплаш услуби ҳамда “Саҳиҳул Бухорий”нинг жаҳон бўйлаб тарқалишини кўрсатадиган илмий сценарийлар тайёрланди. Қадимий қўлёзмалар, факсимил нусхалар, хариталар, макетлар, замонавий аудиовизуал воситалар ва интерактив ечимлар бир тизимга келтирилди.

Музей мазмуни Имом Бухорий шахси билан чекланиб қолмади. Қуръони Каримда номи зикр қилинган йигирма беш пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ваҳий, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам экспозицияга киритилди. Бу ёндашув зиёратчиларга ҳадис илмининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва Имом Бухорийнинг ушбу буюк силсиладаги ўрнини яхлит англаш имконини беради.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МАЪРИФИЙ ТИМСОЛИ

2026 йил март ойида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасидаги асосий бунёдкорлик ишлари якунланди. Рамазоннинг файзли кунларида эшикларини очган бу қутлуғ даргоҳда илк бор Ҳайит намози адо этилди. Бунёдкорлик ишлари якунига етгач, мажмуа майдони қирқ беш гектарни ташкил этди. Ўн минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси ва миллий услубдаги бир юз эллик тўрт устунли муҳташам айвон қурилди. Ўн тўрт мовий гумбаз ва етмиш беш метрлик тўрт минора зиёратгоҳнинг гултожига айланди. Мақбаранинг сокин ва салобатли муҳити эса ҳар қандай



Абдулҳамид МУХТОРОВ,
“Шуҳрат” медали соҳиби

да “Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари – уммат китоби” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Шайх Солиҳ бин Абдуллоҳ бин Ҳумайд Ўзбекистонда амалга оширилаётган



зиёратчи қалбида Имом Бухорий хотирасига чуқур эҳтиром туйғусини уйғотиши шубҳасиз.

Тўққиз павильондан иборат инновацион музей энг илғор ахборот технологиялари асосида жиҳозланди. Экспозиция томошабинни қуруқ рақам ва саналар билан эмас, тарихий муҳит, илмий изланиш ва маънавий тажриба орқали Имом Бухорий оламига олиб киради. Мажмуа қошидаги туризм маркази ҳам яхлит лойиҳанинг муҳим қисми ҳисобланади. Унга ёндош ўн беш гектар майдонда битта тўрт юлдузли ва иккита уч юлдузли меҳмонхона, йигирма иккита оилавий меҳмон уйи, автотураргоҳ, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этилган. Оилавий меҳмон уйларининг ўзи бир юз етмиш олти ўринга эга. Натижада илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган мажмуа энди кунига 65 минг меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йил 9 июлда Самарқанд шаҳрида I Халқаро ислом цивилизацияси форуми доирасимаърифий ислоҳотларга юксак баҳо бериб: “Бу ишлар Ўзбекистон ўз миллий ва диний қадриятларига содиқ мамлакат эканини, унинг раҳбарияти юксак мақсадлар, пухта режалар ва узоқни кўзлаган тараққиёт стратегияси асосида ҳаракат қилаётганини яққол намоён этмоқда”, дея таъкидлади. Хорижлик нуфузли уламонинг баҳоси Янги Ўзбекистондаги бунёдкорликнинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини кўрсатади.

Имом Бухорий мажмуаси бир мамлакатнинг ички маданий лойиҳаси бўлиб қолмади – у бутун ислом умматига тегишли меросни асраш ва замонавий илм билан ривожлантиришга қаратилган халқаро маърифат марказига айланди. Энг муҳими, бугун ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтган Ўзбекистон жаҳонга фақат буюк алломаларни етиштирган замин сифатида эмас, уларнинг меросини замонавий илм асосида давом эттираётган маърифатпарвар давлат сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

ЭЗГУ ҒОЯНИНГ МАЪНАВИЙ МАНТИҒИ

Миллий ўзликни англаш фақат буюк аждодлар исмини зикр қилиш билан шаклланмайди. Уларнинг нима учун буюк эканини билиш, асарларини ўқиш, илмий услубини англаш ва ўша фазилатларни замонавий ҳаётда давом эттириш зарур. Мустақилликнинг ўттиз беш йиллик тажрибаси бизга миллий фахр фақат ўтмишдан ғурурланиш эмас, балки бу ғурурни келажак олдидаги масъулиятга айлантириш эканини англатди. Агар боболаримиз илмда шундай юксак чўққиларни забт этган бўлса, бугунги авлод ҳам янги кашфиёт, янги мактаб ва янги маърифат марказларини яратиши шарт.

Президентимиз нафақат муаззам мажмуанинг бунёдкори бўлди, балки унинг фалсафасини ҳам аниқ белгилаб берди. Бу фалсафага кўра, аждодларга ҳурмат илм билан намоён бўлиши, зиёрат тарбия билан уйғунлашиши, меъморий улуғворлик аниқ маънога эга бўлиши, тарих эса келажакка ишонч бағишлаши керак.

Бугун юртимизда алломалар хотирасини абадийлаштириш орқали халқимизнинг маънавий илдизлари мустаҳкамланмоқда. Чунки ўз тарихини билган миллат маънавий таҳдидлар олдида мустаҳкам туради. Ўз алломасини таниган ёшлар сохта “қаҳрамон”ларга эргашмайди. Илмни қадрлаган жамият тараққиёт йўлидан адашмайди.

АБАДИЯТГА ДАХЛДОР НУР

Имом Бухорий бутун умрини ишончли сўзни сохта ривоятдан ажратишга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатини асрашга ва илмни омонат сифатида келажакка етказишга бағишлади. Орадан ўн икки аср ўтди. Унинг номи минбарларда, мадрасаларда, университетларда, хонадонларда, олимлар даврасида ҳамон эҳтиром билан тилга олинади. Чунки ҳақиқатга хизмат қилган умр вақт чегарасига сиғмайди.

Бу обидага қараб, киши Мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини яна бир бор ҳис қилади. Зеро, Истиқлол фақат сиёсий эркинлик эмас, у миллатнинг ўз хотирасига, ўз тарихи ва маънавий меросига эгалик ҳуқуқидир. Миллий хотирани тиклаш, аждодлар меросини халққа қайтариш, улуғ алломалар номини жамиятнинг бугунги маънавий ҳаётида акс эттириш озод ва эркин Ватаннинг азгу мақсадидир. Халқимиз ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлида ўзлигини англаш, тарихий хотирасини тиклаш, муқаддас қадриятларини асраш борасида улкан йўлни босиб ўтди. Айниқса, кейинги ўн йилда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар бу жараёнга янги руҳ, янги кўлам ва янги мазмун бағишлади. Хартангда қад ростлаган бу мажмуа ана шу тарихий даврнинг кўз билан кўриб, қалб билан ҳис этиладиган маърифий тимсолидир.

Миллатни ёруғ келажакка етаклаш уни ўз илдизлари, тарихий хотираси ва маънавий қудратига қайта боғлашдан бошланади. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган улуғвор даъватнинг маънавий моҳияти ҳам ана шунда.

ШУКУҲ

ИШОНЧ ПАЙДО БЎЛДИ



Карим СУЛТОНОВ,
ЎзФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори,
“Меҳнат шуҳрати” ордени совриндори

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ўтган даврда халқимиз кўп кунларни кўрди. Айниқса, собиқ иттифоқ замонида туғилиб-ўсганлар кўп нарсаларни солиштиради. Ўша пайтдаги ҳаёт билан ҳозирги ҳаётнинг фарқи ер билан осмонча.

Ҳаммамиз кўриб, билиб турган ҳақиқат: охирги ўн йил ичида Ўзбекистон мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди. Одамларда давлатга, Президентимизга жуда катта ишонч пайдо бўлди. Ҳар ким ўз йўналишидаги ишларни гапиргани маъқул, албатта. Мана, қурилиш соҳаси кучайганидан кейин сейсмик мустаҳкамлик масалаларига жуда катта эътибор бериляпти. Бино ва иншоотларнинг лойиҳаларига берилган илмий хулосаларни кўриб чиқиш, экспертиза қилиш бизнинг институтга юкланди. Мана шу тизим 2022 йилдан бошлаб йўлга қўйилган бўлса, шу кунгача 800 га яқин қурилиш лойиҳалари кўриб чиқилди. Албатта, бу ишлар институтимизнинг оёққа туриб олишига катта ёрдам берди.

Умуман, бу борада Фанлар академияси таркибидаги ҳар бир муассаса вакили тўлқинланиб гапириши мумкин. Чунки Янги Ўзбекистонда илм аҳлининг обрў-эътибори кўтарилди, илмий даргоҳларнинг моддий-техник базаси кучайтирилди. Кўплаб муаммолар оқилона ечимини топди. Энди ишлаш, натижа кўрсатиш қолди, холос.

Мана шундай шукроналик кайфиятида ҳаммани улуғ байрам билан чин қалбимдан табриклайман!

ТАЛҚИН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ТАНИМОҚ БАХТИ



Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони билан туркиялик ҳуқуқшунос-социолог олим, таниқли адиб Кемал Явуз Атаман “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. Қадрли қардошимизнинг яқинда чоп этилган “Мен таниган Ўзбекистон” асари жамиятшунос тадқиқотчи кўзқарашини ифодалагани билан юртдошларимизни қизиқтириши тайин.

Бахтли тасодифми ёки қонуниятми, Яратганнинг инояти билан Кемал Явуз Атаман ўзи соғиниб интилган, неча йиллар етишмоқни орзиқиб кутган ота маконининг бошкенти Тошкентга илк бор 1991 йил 31 август – Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куни келган. Узоқ вақтлар давомида: “Бу табаррук заминлар қачон ўз мустақиллиги ва ҳурлигига эришар экан?”, “Биз улуғ боболаримизнинг муқаддас қадамжоларини қачон ва қандай зиёрат қила оламиз?” деган ўйлар билан яшаган одамнинг айнан миллий истиқлол эълон қилинган кунда ота юртга қадам босиши, ҳақиқатан, ҳайратланарли... Биз қадимий илдизларга эга, улуғ цивилизацияларга бешик бўлган, муаззам давлатлар барпо этилган ўша машҳур ота маконда, баракали ва серфайз тупроқларда эдик”.


* * *

Бир умр интилиб, орзуси рўёбга чиққан муаллиф ота маконга келгач, биринчи галда қардош халқнинг руҳиятига диққат қаратади. 1991 йилги дастлабки, 2013 йил иккинчи ва 2018 йилдаги учинчи ҳамда ундан кейинги сафарларидаги ҳолатларни қиёслар экан, ўзгаришлар кўлами тобора кенгайиб борганини эътироф этади.

Илк сафар таассуротларига кўра: *“...иқтисодий жиҳатдан бироз ғариб, руҳияти сокин, чарчаган, андишали ва келажакдан бироз хавотирда бўлган бир халқнинг кайфияти яққол кўзга ташланиб турарди. Келажак ҳақида ҳали аниқ бир тўхтамга келмаган, мавҳум ўйлар оғушида яшаётган, ўтмишда мустамлака тузумининг улкан азобларини бошидан кечириб, йиллар давомида чорасизликлар ичида қолдирилган бир жамиятнинг борлигини шаҳар ва қишлоқларнинг ҳар бирида кўриш мумкин эди”.*

Қардош олим 2018 йилги сафарида тамомила ўзгача ҳолатга гувоҳ бўлгани ҳақида ёзади. Энг муҳими, у воқеликни шунчаки ташқаридан кузатмайди. Ўзбекистон жамиятини ичкаридан, чуқурроқ ўрганишни мақсад қилади. Хулоса эса мана бундай: *“Мен кўрган ва иқрор бўлган ягона ҳақиқат шу эди: инсонларнинг кўзида янги бир нур, кучли бир умид ва қайта тирилишни башорат қилувчи жонлилик, ғайрат ва ишонч бор эди. Бу манзара катта бир бахтнинг эшигини очарди”.*

Янги Ўзбекистон даврида юртдошларимиз онгу шуурида аввал кузатилмаган нур, кайфиятида илгари учрамаган кўтаринкилик, ўзаро ва келажакка ишонч руҳи кучайгани аён бўлади. Кемал устоз – кўнгил одами, иймони бутун шахс. У воқеликни зоҳирига қараб эмас, ботинига, асл моҳиятига кўра баҳолайдиган, ўзи билиб, ҳис этган ҳақиқатларнигина ёзадиган олим. Эътиборли жиҳати, у китобни мажбурият юзасидан эмас, қалб амри билан холис ёзган. “Агар 2022 йилда мендан: “Хўш, Янги Ўзбекистонда энг биринчи навбатда нимани кўрдингиз?” дея сўрашганларида эди, ҳеч бир иккиланиш ва тараддудсиз битта жумла билан: “Халқнинг ўзига бўлган ишончини кўрдим”, деб жавоб берган бўлардим”.



* * *

Кемал Явуз Атаман Ўзбекистонни, биринчи навбатда, тафаккур орқали таниган, илмга таяниб англаган. Бу ҳол олимнинг Ватанимиз тарихига доир кузатишларида яққол сезилади. Сўнгги ўттиз беш йилда тарихга муносабат борасида қандай эврилишлар бўлганига доир қарашлари пухта асосга эга.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур зиёратидан қанчалик таъсирланганини муаллиф мана бундай хотирлайди: *“Йўлбошловчи Амир Темурнинг бош томонида ётган зот унинг устози Саййид Барака эканини таъкидлаб, Темурнинг: “Мени устозимнинг оёқ томонига дафн этинглар”, деб васият қилганини айтди. Бу улуғвор истак ва орзу қаршисида бутун гуруҳ аъзолари ҳайратда қолди. Устозимиз: “Амир Темурни энди яхшироқ англаяпмиз“, дея ҳис-туйғуларимизга таржимон бўлган эди ўшанда…”* Кемал устоз ана шу фикрлари таъсирида буюк Соҳибқирон тарихига доир изланишлар олиб бориб, Амир Темурнинг стратег сифатидаги юксак салоҳиятига доир тадқиқотлар ҳам эълон қилди.

Кемал афанди Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилишини чексиз қувонч билан қарши олди. Туркиянинг “Янги Кўня” газетасида мақола ҳам эълон қилди. Марказ Янги Ўзбекистонда эришилган илмий-маърифий ва тарихий-маданий муваффақиятларни мукаммал даражада акс эттиришини самимий эътироф этади.

* * *

Кемал устоз халқимизнинг табиатини жуда яхши ўрганган, унинг кузатувига кўра: *“Ўзбек халқи ўз табиати ва фитратига мос равишда анча содда, дабдаба ва сохта ҳашаматдан йироқ, ҳаётни борича қабул қилиб, самимий яшашни хуш кўрадиган гўзал феъл-атворга эга. Улар ҳаёт синовлари ва қийинчиликлари қаршисида юксак матонат кўрсатадиган, муаммоларни ҳаётнинг табиий оқими ичида, босиқлик ва осудалик билан ҳал қила оладиган вазмин характер соҳибларидир”.*



Бугунги глобаллашув шиддати ва тараққиёт суръати жуда кўп халқларнинг миллий ўзлигига таҳдид солаётгани айни ҳақиқат. Шундай мураккаб шароитда миллатнинг ўзлиги ва ахлоқини, асл табиати ва қадриятларини асрай олиши ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Бу ҳақдаги фикрини у мана бу тарзда образли ифодалайди: *“Менинг тасаввуримдаги ва шахсан мен таниган Ўзбекистон худди пергар, яъни, циркул сингари ўзининг бир жойда турувчи оёғини доимо марказда, яъни, маънавият негизларида мустаҳкам тутган ҳолда, унинг ҳаракатланувчи иккинчи оёғи билан бутун дунёга, илм-фанга, юксак технологияларга ва глобал интеграцияга дадил очилмоқда. Бу мамлакат Осиёнинг юрагидан қайта юксалишга, минтақада марказий давлатга айланишга ҳамда ўзининг Учинчи Ренессанс маёғи билан инсоният уфқини қайтадан ёритишга чин дилдан аҳд қилгани кўриниб турибди”.*

* * *

“Мен таниган Ўзбекистон” китобининг салмоқли қисми Президент Шавкат Мирзиёевнинг лидерлик салоҳияти, инсоний фазилатлари ва давлат бошқаруви ўртасидаги нозик мувозанат таҳлилига бағишланган. Кемал устоз бунда Президентнинг оммавий ахборот воситаларидаги баёнотлари, халқ билан учрашув дастурлари, бошлаган кенг қамровли ислоҳотлари моҳияти ва омма олдидаги нутқларига урғу беради.


“Раҳбар намоён этаётган самимий ва камтарин, ўзаро ишонч уйғотадиган муомала маданияти, – деб ёзади муаллиф, *– давлатнинг аввалги қовоғи солиқ, эскирган қиёфасини йўқ қилиб, унинг меҳрмуҳаббатли ва барчага эътиборли бўлган сиймосини кўрсатмоқда”.*

* * *

Қардош турк халқининг атоқли олими ва шоири Кемал устоз ўзи туғилиб ўсган ва буюк аждодимиз ҳазрат Жалолиддин Румий мангу қўним топган Кўня шаҳрида Алишер Навоий ўрмонини ташкил этган. Улуғ бобокалонимиз руҳини шод этиш мақсадида ўзбекистонлик ўзи ҳурмат қилган олимлар ва шоиру адиблар номидан ушбу ўрмонга дарахтлар эктириб, бунёдкорлик борасида ҳазрат Алишер Навоий анъаналарини давом эттириб келаётир.

ТААССУРОТ

Сўз ва ихлос САФАРНОМАСИ





Ситорабону ҲОШИМ қизи,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Алишер Навоийни қуёшга ўхшатаман, қуёшни иссиқ дейиш мумкин, ёруғ дейиш мумкин, улкан дейиш мумкин, истаганча таърифлаш мумкин. Аммо бу таърифдан қуёшда заррача мартаба ёки устунлик пайдо бўлиб қолмайди, чунки қуёш бизнинг эътирофимизсиз ҳам иссиқ, улкан ва ёруғдир. Ҳазрат Навоий шамс ул миллат – миллатнинг қуёшидир. Уни ҳар қанча таъриф этмак фақатгина биз – мухлисларга фойда бўлиши мумкин, аммо бу таърифу тавсифдан ҳазратнинг мартабаси юксалиб ёки қуйилашиб қолмайди.

Шоир, журналист Шаҳриёр Шавкатнинг “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” номли китоби ҳақида ҳам айни таърифни бериш мумкин: биз ўқимаганимиз билан унинг қиммати пасайиб қолмайди, аммо ўқимаганимиз, эртароқ бу асар билан танишмаганимиз учун афсусланишимиз турган гап.

Китоб бобурона лаҳжа билан бошланади: *“Тангри таолонинг иноят ва Сарвари коинотнинг шафоати ва ҳам пок кўнгилли чаҳорёрларнинг ҳиммати бирлан тарих минг тўрт юз қирқ еттида, шаъбон ойининг ўн бирида, муборак жумъа куни кўҳна Шодидан улуғ ҳазратларимиз ётган тупроқни зиёрат этмоқ илинжида йўлга тушдим”.* Деярли барча мумтоз асарлар муқаддимасида китоб ёзилиш сабаби ва вақти кўрсатилади. Шу анъанага мувофиқ, муаллиф сафарноманинг мақсади ва муддатини ўқувчига маълум этмоқда. Мен ҳам, Навоий бобога қўйган ихлосим боис, бироз ҳаяжонда мутолаани бошладим. Э воҳ, илк саҳифалариданоқ кўзларим ёшланди. “Кема йўл бонгин чалур”, “Умидим андоғки”, “Ҳирот таърифинда” каби мумтоз оҳангларга уйғун сарлавҳалар хаёлимни олис мозий томон олиб кетди.

Шаҳриёр ушбу китобга шунчаки сафар таассуротлари эмас, Ҳазратга бўлган бир умрлик эътиқод ва эътимодини жойлаштирибди. Асар тили услубдан услубга кўчиб боргани сари шира тортиб бораверади: гоҳ бобурий шеванинг турланишлари сизни ром этса, гоҳ Ҳазрат Навоийнинг қалам била рост сўзи дурдоналаридан завқланасиз. Бир китобда тўрт услубни бир-бирига халал бермаган, аксинча, бир-бирини тўлдирган ҳолда топасиз: сўзлашув услубининг эркинлиги, бадиий услуб рангинлиги, публицистик услубнинг ўйчиллиги, илмий услубнинг вазминлиги ажиб умумийлик касб этган.

Муаллиф ҳар бир маълумотни манбаларга таянган ҳолда тақдим этишга ҳаракат қилади. Айниқса, “Амударёдан кимлар ўтмаган дейсиз?” номли бобда Амударёнинг юртимиз тарихида тутган геосиёсий ва маданий ўрни алоҳида таъкидланади. “Равзайи шариф меҳмони” бобига илова қилинган суҳбат эса бир роман бўлгулик мазмунни ўзида жамлаган, десак, муболаға эмас. “Юрт нотинч бўлса, уни ташлаб кетиш мумкинми?” деган оғриқли савол қўйган муаллиф бир мўйсафид билан суҳбатдан ўз сўровига жавоб топади. Айни шу жараёндаги руҳий эврилишларни ростлигича ўқувчига тақдим этиш эса Бобурга хос тантиликдан, ҳаққонийликдан далолатдир.

Китобнинг бир ўрнида: “Welcome to Herat” сарлавҳасини “Welcome to heart” деб ўқибман. Ва бу фикр боғлиқлигидан мутаассир бўлдим: Ҳирот биз, навоийшунослар, ижодкорларнинг юрагимиз эмасми? Ахир, унда Ҳазрат Навоий ётибди. Бу ҳиссиётларимга Шаҳриёрнинг сатрлари жўр бўлади: *“Тағин жиннилигим тутади: “Ҳибатулло, укажон, сен бир мошин тутиб, нарсаларимизни отелга оборавер. Мана бу оёқ кийимимниям ол. Барибир, менга керак эмас. Мен Ҳазрат Алишер Навоий мақбарасигача ялангоёқ бораман. Йиғлаб-йиғлаб бораман, муборак ғазалларидан айтиб-айтиб бораман!”*

Муаллиф Ҳазрат қабрини етти кун зиёрат этгани, бунинг сабаби “Сабъаи сайёр”даги етти мусофир ва етти рангга ишоралигини таъкидлайди. Шу ўринда кешлик мусофир – Масъуд ёдга келади. Масъуд ҳам йўлда ажиб саргузаштларни бошидан кечиради: зиндонга тушади, масжидда ухлаб туш кўради, аммо охир-оқибат кўнгли тилаган муродига етади. Шаҳриёр ҳам кешлик мусофир ўлароқ сафарни азм қилган.

Навоий мақбараси ҳақидаги бобларда Шаҳриёр мухлис позициясидан танқидий нуқтаи назарга эга журналист мақомига ўтади. Аччиқтизиқ қочиримлар билан “Ҳолоти мақбарайи Алишер Навоий” ҳақида маълумот беради: *“Обидани тиклашга йиллаб вақт ва маблағ топа олмаган маҳаллий маъмурият Навоий ҳазратларининг руҳи мангу қўним топган муборак масканда чоғроққина волейбол майдончаси қуриш борасида чинакам тезкорлик ва юксак ғайрат кўрсатибди… Ҳа, мақбара қурилиши чала қолган бўлиши мумкин, лекин спорт – соғлиқ гарови, албатта”.*

Шаҳриёр “Бир кун туз еган жойингга қирқ кун салом бер” деган мақолга амал қилган ҳолда, воқеликни жонлантирар экан, бирор марта меҳмон бўлиб борган давлатидан ёзғирмайди. Ноқулай ҳолатга тушганларини латифанамо тарзда ҳикоя қилса, исёнларини журналистик маданиятга риоя қилган ҳолда баён этади. Шаҳриёр тасвирлаган манзараларни ўқир эканмиз, “Ўтмишга тушиб қолдим” деган гапни кутамиз, аммо муаллиф бу гапни ёзмайди. Фақат китоб сўнгида Ўзбекистонга қайтгани ҳақида ёзаркан, “келажакка тушиб қолгандай эдим”, дея эътироф этади.

Юқорида китоб услубининг ранг-баранглиги ҳақида тўхталдик. Айни ранг-баранглик бошқа асарлардан олинган воқеаларнинг узукка кўз қўйган каби мослаштириб берилишида ҳам намоён бўлади. Холмуҳаммад Каримийнинг “Қора лолалар” асаридан олинган парча китобнинг янада мукаммал бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Парчада Алишер Навоий мақбарасини муқаррар бомбардимондан қутқариб қолган ўзбек аскари ҳақида сўз боради. “Шоҳ Ғозийға карам аввалғиларға ўхшамас”, “Токайгача Ҳусайн Бойқаро?”, “Навоийнинг қабри ҳам очиб кўрилганми?” каби бобларда илмий-оммабоп услуб кўзга ташланади. Ҳиротдаги маданий обидаларга жавобгар идоранинг масъул ходими билан суҳбатни Фарҳод ва Хусрав суҳбати янглиғ ифодалайдики, бу орқали ҳар икки суҳбатдошнинг маънавий олами очила боради: “Тағин савол берди: “Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст?” (Навоий ҳақида неча ёшдан бери биласан?) Тағин жавоб айладим: “Руҳ эрмас эрди танға пайваст!” (Туғилишимдан аввал ҳам Навоий-Навоий дейишарди!)” Мана шу каби ажиб уйғунликлар китобнинг ўқишли бўлишини таъминлаган.

Каминани мутаассир этган лавҳалардан яна бири “Бу мажлисга йиғилганлар муҳаббатга яқинлардир” бобидаги ҳолат бўлди. Ҳамма ёқда мусиқа тақиқланган бир шароитда Навоий ҳазратларининг муҳиб ва мухлислари ертўлада (!) ул зотнинг ғазалларидан бунёд бўлган қўшиқларни жўр бўлиб куйлаш саҳнаси юракнинг нозик торларини-да чертиб ўтади.


Китобнинг “Испанча уят” номли бобида айрим қусурлар эсга олинади. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва телевидениенинг омма даражасига, балки ундан ҳам қуйига тушган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётгани ва бу савиясиз тасвирлар қўшни давлатларда ҳам “Ўзбекнинг типик образи” сифатида кўрилаётганидан уят ҳиссини туйиш фақатгина муаллифнинг эмас, балки барча ўзбек зиёлисининг оғриқли нуқтасидир. “Ўзбек бўлиш машаққати” бобида ўз тилини сақлаш учун ҳар куни ишлаб топган пулининг 4500 сўмини ўғлининг ўзбекча таълимига сарфлаётган ота ва рус мактабларида йиллаб навбат кутадиган бизнинг ота-оналар қарама-қарши қўйиларкан, ўқувчи ҳам “испанча уят”ни ҳис этади…

Хуллас, китобни Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “йиғлай-йиғлай тугатдим охир”. Эҳтимолки, муаллиф ҳам йиғлай-йиғлай битган бу асарни. Тугатганимдан сўнг шундай фикр пайдо бўлди: Шаҳриёр Шавкат ушбу китобни ижодий қайта ишлаб бир роман ёзса бўлгулик экан, чунки унда кўтарилган масалалар, давр, инсонлар – барчаси романдек кенг қамровли жанрнинг ўзига хослигини ифода этади.

“Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” номли китобни хатм қилар эканман, бу асар муаллифи ҳаёт, турмуш отли пўртаналар ичида Сўзни, Шеъриятни, Алишер Навоийни юксак ихлос ила қалбининг тўрида асраб келаётган чин маънодаги зиёли инсонлардан бири эканига амин бўлдим.

ИЛМ ЙЎЛИ

МАТЕМАТИКА — ГЎЗАЛЛИК САНЪАТИ



ЎзФА В.И.Романовский номидаги Математика институтининг дифференциал тенгламалар лабораторияси мудири, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Равшан АШУРОВ билан суҳбат

– Равшан Ражабович, аввало, мукофот муборак бўлсин. Мукофот кўнгилга таскин беради, илмий-ижодий фаолият эътироф этилса, олим кўнгли қувончга тўлади. Кўп йиллик меҳнатларингиз самараси бу. Тақдирлангач, кўпроқ нималарни ўйладингиз?

– Бу хабарни мен Хитойдаги халқаро конгрессдан қайтиб, Ўзбекистонга келганимда, аэропортнинг ўзида устозим, академик Шавкат Алимовнинг табригидан билдим. Бу мен учун унутилмас лаҳза бўлди. Кеча мукофотларни топшириш йиғинида қатнашдим. Бу кун мен учун ҳаётимдаги унутилмас, мазмунли кун бўлди. Юксак мукофот катта шараф ва масъулиятдир. Бу мукофотни йигирма йилдан ортиқ вақт давомида бирга ишлаган устозларим, ҳамкасбларим ва шогирдларимнинг меҳнатига берилган баҳо, деб қабул қиламан. Айниқса, устозларимга чуқур миннатдорлик билдираман. Менга илм йўлини кўрсатган, доимо қўллаб-қувватлаган инсонларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим ва бундан кейин ҳам шунга интиламан. Бу эътирофни янги марраларнинг бошланиши, деб биламан. Юртимиз илм-фани ривожи учун янада астойдил хизмат қиламан.

– Математик ва физикларга ҳурматим баланд. Отам физика-математика муаллими эди. Ўқувчилик йилларим бу фанларни аълога ўқидим. Аммо физика дарси маҳали отам шеърлар ўқиб, лирик чекинишлар қиларди. Шу жиҳатига қизиқиб, сўз дардига йўлиқдим. Равшан ака, сизда математика фанига қизиқиш қандай пайдо бўлган?

– Уч-тўрт ёшларимда сонларни ёзишни ўргандим. Кейин энг катта сонгача ёзиб чиқаман, деб бошлаганман: 1, 2, … 798, … 77309 … ва ҳоказо. Кейин ўша пайтда ақлим етганки, бу кетма-кетлик тугамас экан. Шу зайл, сонларга қизиқиб қолганимни эслайман: қўшиш, айириш ва бошқа арифметик амаллар мени ўзига маҳлиё қилди. Турли олимпиадаларда қатнашдим. Мени кўпроқ телевизорда намойиш этиладиган мактаб болалари учун математика олимпиадаларига таклиф қилишар эди. Дастурни Д.Мовашев деган математик олиб борарди. Бу теледастурларда жуда кўп саволларга жавоб берардим. Қизиғи, мактабимизга республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган ўқувчилардан хатлар келарди, бир ҳафтада келган хатларга кичикроқ қоп тўларди!

– Мен математик, физик, биолог, химик ва умуман, табиий фан олимларини илм-фан локомотивлари, деб ҳисоблайман. Улардаги илм ҳақиқатидан бироз оғиш ҳам улкан моддий, ижтимоий-маънавий ўпирилишларга олиб келади. Математик бўлишнинг масъулияти қандай?

– Олим бўлиш, айниқса, математика каби аниқ фан билан шуғулланиш, аввало, катта масъулиятдир. Математикнинг асосий масъулияти – ўз натижасининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш. Теоремани исботлашда йўл қўйилган кичик бир хато ҳам бутун натижани нотўғри қилиб қўйиши мумкин. Математиканинг яхши томони шундаки, бу хатоларни аниқлашнинг ўзига хос тизими бор. Аввал натижа илмий семинарларда муҳокама қилинади, бошқа математиклар саволлар беради, исботни текширади. Кейин мақола журналга юборилганда, уни мустақил мутахассислар – тақризчилар кўриб чиқади. Шунинг учун математикада “мен шундай деб ўйлайман”, деган фикрнинг ўзи етарли эмас – натижани исботлаш керак. Олимнинг яна бир масъулияти шогирдларига тўғри илмий масала қўя билиш билан боғлиқ.

Масала долзарб, илмий жиҳатдан қизиқарли ва энг муҳими, ечимга эга бўлиши керак. Мен ёш тадқиқотчига масала бераётганимда, имкон қадар унинг ечими ҳақида ўзим ҳам тасаввурга эга бўлишим керак, деб ҳисоблайман. Умуман олганда, олимнинг масъулияти фақат ўз тадқиқоти билан чекланмайди. У ёш авлодга, жамиятга ва илм-фаннинг келажагига ҳам масъул. Шунинг учун олим ҳар бир айтган сўзи ва эълон қилган натижасига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши керак.

– 2005 йили сиз билан Пекинга борган эдик. Мароқли илмий сафар бўлган эди. Хитой девори томошасига бораётганда, сиз: “Филолог олимлар икки-уч кунда бир китобни ўқиб, дарров мақола ёзар экан, тўғрими?”, деб савол берган эдингиз. Хўш, математика соҳасидаги мақолалар, китоблар қай йўсинда бунёд бўлади? Битта масалани ечиш учун қанча вақт керак?

– Ўзимнинг энг яхши натижамни 2009 йилда бошлаб 2019 йилда тугатдим. Бу натижа “Россия Фанлар академияси маърузалари” журналида ва гармоник анализ бўйича дунёдаги энг нуфузли нашр – “Fourier alaysis and applications” деган Германия журналида чоп этилди. Мақола атиги етти бет эди. Лекин бу мақолада 1968 йил собиқ иттифоқ фанлар академияси академиги В.Ильин томонидан қўйилган муаммо ҳал қилинганди. Аслида, бу масаланинг тарихи узоқ: 1915 йили А.Лузин гипотеза эълон қилган: функция квадрати билан интегралланувчи бўлса, унинг Фоуриер қатори деярли барча нуқталарда яқинлашади. Бу гипотеза билан А.Колмогоров, Н.Бари каби энг кучли математиклар шуғулланган. Гипотезанинг ижобий ечимини 51 йилдан кейин швед математиги Л.Карлесон топган. Лекин каррали Фоуриер қатори учун Лузин гипотезаси ҳозиргача очиқ. Шунинг учун Ильин бу гипотезани соддалаштириб, қуйидаги масалани қўйди: функция квадрати билан интегралланувчи бўлиб, бирор тўпламда нолга тенг бўлса, бу функциянинг каррали Фоуриер қатори ўша тўпламнинг деярли барча нуқталарида яқинлашадими? Шу саволга юқоридаги ишимда ижобий жавоб берилди.

– Университетдаги сабоқларимда математика билан адабиётни боғлайдиган маърузаларим бор. Негизи математик бўла туриб, бадиий адабиётга улкан ҳисса қўшган олимлар хусусида гапираман. Гоҳида бирор асарни бурро тушунтириб бераётган талабага карра жадвалидан савол бераман. Сизда бу жараён қандай? Математикага доир масалалар ечими ва амалий татбиқотини кўпроқ қайси ижтимоий фан соҳаларига боғлашни ёшларга маслаҳат берган бўлардингиз?

– Менимча, математика фақат табиий фанларнинг асоси эмас. Унинг тарих, иқтисодиёт, тилшунослик, фалсафа каби ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам туташадиган жиҳатлари кўп. Айниқса, иқтисодиёт ва статистика билан алоқаси жуда кучли. Тарихдаги жуда кўп жараёнларни математик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин. Масалан, ёш фан доктори А.Н.Колмогоров вақтида тарихни ўрганишда математикани қўллаш устида илмий иш олиб боргани маълум. Лекин мен ёшларимизга бир нарсани айтган бўлардим: математика билан шуғулланувчи инсон адабиётдан, санъатдан, тарихдан узоқлашиб кетмаслиги керак. Чунки кенг дунёқараш яхши математик учун жуда муҳим. Менимча, буюк олимларнинг кўпчилигида шу хусусият бўлган.

– Дунёнинг кўплаб мамлакатлари олий ўқув юртларида маърузалар билан иштирок этасиз, илмий анжуманларга борасиз. Ўзбек олимларининг бу соҳадаги ютуқлари қандай?

– Тўғри, мен йилига камида бешта халқаро конференцияга маърузачи сифатида чақириламан. Масалан, бу йил икки марта Қозоғистонга, Болгарияга, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига – Халқаро математиклар жамиятининг бош ассамблеяси йиғилишига, сўнг Филадельфиядаги Халқаро математиклар конгрессига, 8 августдан 22 августгача Хитойда бўлиб ўтган Конгрессга бордим. Худди шундай, институтимизнинг кўпгина ходимлари хорижга бориб маърузалар ўқиб келишяпти.

Бундай фаоллик замирида, албатта, юртимизда илм-фанга, хусусан, математика фанининг ривожига юксак эътибор турибди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм-фанга, хусусан, математикага кўрсатаётган эътибори ва яратиб бераётган имкониятлари туфайли Ўзбекистонда математика билан шуғулланиш, ёш математикларни тарбиялаш ва илмий мактабларни ривожлантириш учун катта шароитлар яратилмоқда. Математика институти учун янги бино қурилгани, математика фанини ривожлантиришга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

– Бугун СИ замони, ҳар фан соҳасида сунъий закога зарурат бор. Диссертацияларини унга ёздираётганлар ҳам йўқ эмас, менимча. Математикага оид илмий тадқиқотларга бу нанотехнологиялар қандай таъсир кўрсатмоқда?

– Биласизми, ҳозир сунъий интеллект барча йирик халқаро математик анжуманларда муҳокама қилинаётган энг долзарб мавзулардан бирига айланди. Мен яқинда Хитойда бўлиб ўтган халқаро конгрессда ҳам бу масалага катта қизиқиш борлигини кўрдим. Сунъий интеллект математика учун катта имкониятлар яратмоқда. Улкан ҳажмдаги маълумотларни тез таҳлил қилиши, мураккаб ҳисоб-китобларни бажариши, мавжуд натижалар орасидаги боғлиқликларни топиши ва баъзи ҳолларда янги математик ғояларни излашда тадқиқотчига ёрдам бериши мумкин. Айниқса, сонли ҳисоблаш, математик моделлаштириш, дифференциал тенгламаларни ечиш каби йўналишларда унинг имкониятлари катта. Лекин мен бир нарсани алоҳида таъкидлаган бўлардим: сунъий интеллект математик олимнинг ўрнини боса олмайди. Чунки математиканинг энг муҳим қисми фақат ҳисоблаш эмас – муаммони тўғри қўйиш, янги ғоя топиш, нима учун айнан шундай натижа бўлишини тушуниш ва қатъий математик исбот беришдир.

Сиз айтганингиздек, афсуски, бугун сунъий интеллект ёрдамида диссертация ёки илмий мақолаларини тайёрлаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу илм-фан учун хавфли. Чунки тайёр матнни олиш билан олим бўлиб қолмайсан.

Илмда инсон ўз фикри, ўз ғояси ва энг муҳими, натижанинг тўғрилигини ўзи тушуниши керак. Мен ёш математикларга сунъий интеллектдан қўрқмасликни, аксинча, ундан тўғри фойдаланишни маслаҳат бераман. Уни ёрдамчи сифатида ишлатиш керак, лекин миянгиз ва илмий фикр ўрнига эмас. Менимча, келажак математикаси – инсон тафаккури ва сунъий интеллект имкониятларининг яхши уйғунлигида бўлади.

– Ҳақиқий математиклар ҳам шоирлардек дарвешона кайфиятли бўлади, назаримда. Адашмасам, София Ковалевскаянинг “Математиклар бироз шоир бўлмаса, ҳеч қачон мукаммал математик бўла олмайди”, деган мазмунда фикри бор. Бу гапга нима дейсиз?

– Менимча, математика билан шеърият ўртасида яқинлик бор. Шоир сўз орқали гўзаллик яратади, математик эса формулалар, теоремалар ва ғоялар орқали. Яхши математик натижани кўрганингизда ҳам ундаги гўзалликни ҳис қилишингиз мумкин. Баъзан жуда мураккаб бир масаланинг содда ва чиройли ечимини кўриб, беихтиёр ҳайратга тушасиз. Шу яқинлик туфайли кўплаб математиклар шеърият ва адабиётга ҳам қизиқиш билдирган.

Ҳатто математика билан бир қаторда шеъриятда ҳам яхши ижод қилган олимларимиз бор. Масалан, устозимиз Абдулла Аъзамовни айтиш мумкин. У киши математика соҳасида катта илмий мактаб яратган олим бўлиш билан бирга, адабиёт ва шеъриятни ҳам жуда яхши ҳис қиладиган инсон.

Менимча, ҳақиқий математикда ҳам маълум маънода шоирона тафаккур бўлиши керак. Чунки янги математик натижага келиш учун билимнинг ўзи етарли эмас. Тасаввур, сезги, гўзалликни кўра билиш ва баъзан бошқалар кўрмаган нарсани ҳис қилиш керак. Исбот эса кейин келади. Шунинг учун София Ковалевскаянинг фикрига қўшиламан. Математикада ҳам ижод бор. Мен ҳатто шундай дердим: математика – бу фақат аниқ фан эмас, у айни пайтда ижод ва гўзаллик санъатидир.

– Ферма теоремаси ёки Пуанкаре жумбоғига ўхшаш қизиқарли масалалар математиклар орасида ҳозир ҳам борми?

– Бор ва ҳатто жуда кўп. Математикада ечимини кутаётган, юз йилдан ортиқ вақт давомида олимларни ўйлантириб келаётган муаммолар бор. Менинг соҳамга яқин энг машҳур масалалардан бири – Navye-Stoks тенгламаларининг классик ечимлари мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги муаммо. Бу тенгламалар суюқлик ва газларнинг ҳаракатини математик жиҳатдан ифодалайди. Масалан, сувнинг оқиши, ҳавонинг ҳаракати ёки атмосфера жараёнларини тасвирлашда шу тенгламалардан фойдаланилади.

Қизиғи шундаки, тенгламаларнинг ўзи XIX асрдаёқ маълум бўлган, уларнинг амалий қўлланиши ҳам жуда катта. Лекин уч ўлчамли ҳолатда маълум бошланғич шартлар учун ечим ҳар доим мавжудми ва у ягона ҳамда етарлича “силлиқ” бўлиб қоладими – мана шу саволга ҳали тўлиқ жавоб топилмаган. Бу шунчалик муҳимки, у Clay Mathematics Institute томонидан “Минг йиллик муаммолар” қаторига киритилган. Уни тўлиқ ечган математикка бир миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот белгиланган. Менимча, математиклар учун энг катта мукофот пул эмас. Энг катта мукофот – асрлар давомида ҳеч ким еча олмаган масалани ечиб, инсониятнинг математик билимига янги саҳифа қўшишдир.

– Бугун барча соҳада ўзбек олимларининг мақомини юксалтириш учун нималарга диққат қаратиш лозим?

– Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, олимларнинг мавқеини ошириш борасида охирги ўн йил ичида жуда катта ишлар амалга оширилди. Мен уларнинг барчасини санаб ўтирмайман, буни ҳаммамиз биламиз. Энди мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш ва айрим муаммоларни ҳал қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Биринчидан, ёш олимларнинг чет тилларни билишига жиддий эътибор бериш лозим. Бугун магистратурани тугатган, математикаси кучли бўлган ёшларнинг айримлари инглиз ёки рус тилини етарли билмагани учун илмий фаолиятда қийналмоқда. Кейинчалик аспирантурага кириш ва халқаро ҳамкорликда ҳам бу катта тўсиққа айланади. Шунинг учун тилни аспирантурада эмас, мактабда ва талабалик давридаёқ пухта ўргатиш керак.

Иккинчидан, хорижий олимлар билан биргаликда докторантлар тайёрлаш тажрибасини кенгайтириш лозим. Масалан, Қозоғистонда докторантга маҳаллий ва хорижий илмий раҳбар бириктириладиган тизим бор. Мен буни шунчаки, номигагина “хўжа кўрсин” учун эмас, ҳақиқий илмий ҳамкорлик сифатида амалга ошириш керак, деб ҳисоблайман.

Хорижий раҳбарнинг меҳнати, докторантнинг боришкелиши ва илмий амалиёти учун маблағ ажратилса, бу харажат эмас – илм-фанга инвестиция бўлади. Мен бундай ҳамкорлик натижасида етишиб чиққан ёш олимларни биламан, бугун уларнинг ўзлари профессор бўлиб, янги авлод олимларини тайёрламоқда.

Учинчидан, ёш олимларимизни халқаро конференцияларга кўпроқ юбориш керак. Бизда ёш тадқиқотчининг хорижга чиқиши кўпинча молиявий имкониятга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Менимча, иқтидорли ёш олим учун бундай анжуманлар шунчаки сафар эмас, илмий мактаб ва янги ҳамкорликлар учун имконият бўлади.

Тўртинчидан, фан, таълим ва саноат интеграциясини изчил йўлга қўйиш керак. Бугунги илм-фан чегара билмайди. Масалан, замонавий математикага физика, биология, информатика ва бошқа фанлар билан ҳамкорлик қилиш тобора кўпроқ зарур бўлмоқда. Худди шунингдек, физик ёки биолог ҳам замонавий математик усулларни билиши шарт. Шунинг учун университетларда фанларни бир-биридан ажратиб қўймасдан, уларнинг туташган жойларига кўпроқ диққат-эътибор лозим. Шу йўналишларга жиддий эътибор берсак, ўзбек олимларининг халқаро илмий майдондаги мавқеи янада юксалади. Энг муҳими, биз бугунги ёш олимга нафақат билим, балки дунё илм-фанига чиқиш имкониятини ҳам беришимиз керак.

– “Баҳодир менга шу саволни берса, бутун қалбимни очиб, ўз қарашларимни баён қилар эдим”, деб қайси саволни кутган эдингиз?

– Менга: “Сиз 2004 йилдан 2006 йилгача Ўзбекистон Миллий университети ректори бўлиб ишладингиз. Ўша даврдаги қайси ишларни эслайсиз? Нималар ўргандингиз?” – деган савол ҳам муҳим. Бу икки йил менинг ҳаётимдаги энг мазмунли ва ҳаяжонли даврлардан бири бўлиб қолди.

Энг аввало, ҳеч қачон ёдимдан чиқмайдиган бир воқеани эслайман. Мени университет жамоасига таништириш учун ўша пайтдаги Бош вазиримиз, ҳозирги Президентимиз Шавкат Мирзиёев келган эди. 2005 йил январь ойидан бошлаб Талабалар шаҳарчасини тубдан қайта қуриш ишлари бошланди. Бунга бир нечта вазирликлар жалб қилинди. Жуда қисқа вақт ичида бу жой замонавий шаҳарчага айланди. Бугун ортга қараб, ўша икки йил менга нафақат раҳбарлик тажрибасини, балки катта масъулият мактабини берганини тушунаман. 2006 йилдан Математика институтида ишлай бошладим. Ўша пайтда олимларнинг маоши юқори эмас, институтдаги шароитлар ҳам бугунгидек эмас эди.

Энг ачинарлиси, аспирантурага кириб, илм билан шуғулланишни истаган ёшлар жуда кам эди. Институтимиз ўша пайтда асосан грантлар асосида ишларди: грант бўлса – иш бор, грант бўлмаса – иш йўқ. Олим эса эртанги кунидан хавотир олмай, хотиржам илм билан шуғулланиши керак.

Менимча, илмий муваффақиятнинг муҳим шартларидан бири ҳам шу.

Кейинги йилларда, айниқса, 2017 йилдан бошлаб, институтларнинг давлат бюджетига ўтказилиши билан вазият тубдан ўзгара бошлади. Олимлар учун барқарор шароит яратилди. Бунинг натижасини ўз фаолиятимда ҳам кўраман. Бугунги кунгача беш нафар фан доктори ва ўн уч нафар фан номзоди тайёрлашга муваффақ бўлдим. Шогирдларим билан ҳамкорликда ўнга яқин монография ва монографияларга боблар ёздик. Ҳатто магистратурада ўқиб юрган шогирдим ўша даврнинг ўзида PhD диссертациясини тайёрлаб, муваффақиятли ҳимоя қилди. Бугун бундан ҳам қувонарли ҳолатлар бор. Масалан, ҳозир учинчи курсда ўқиётган талабам жуда яхши илмий натижага эришиб, академик Шавкат Арифжанович Алимов тавсияси билан мақоласини Фанлар академияси журналига тақдим этди. Бу мен учун катта қувонч. Чунки устоз учун шогирдининг ютуғидан катта мукофот йўқ. Шу йиллар давомида юздан ортиқ халқаро конференцияларда илмий маърузалар билан қатнашдим.

Устозим, академик Ш.А.Алимов билан биргаликда математик анализ бўйича уч томлик дарслик ёздик. Бу китоб қайта нашр этилди ва бугунги кунда университетлар учун асосий дарсликлардан бири сифатида фойдаланилмоқда.

Шунинг учун университет ректори бўлиб ишлаган ўша икки йилни мен оддийгина бир лавозим даври деб эмас, бутун кейинги ҳаётим ва илмий фаолиятимга катта таъсир кўрсатган мактаб деб ҳисоблайман.

– Илм соҳасини танлаётган ёшларга зарур маслаҳат ва тилакларингиз бўлса, марҳамат.

– Ёшларга аввало шуни айтган бўлардим: яхши ўқинг ва ўз устингизда ишлашдан ҳеч қачон тўхтаманг! Яхши таълим инсонга ҳаётда кўпроқ танлов ва имконият беради. Бугун ёшларимиз учун илм олиш, замонавий билим ва касб эгаллаш учун катта имкониятлар яратилган. Бундан 10-20 йил олдин олимлар ва педагогларнинг маоши билан оилани муносиб таъминлаш қийин эди. Шунинг учун кўплаб билимли инсонлар тадбиркорликка ёки бошқа соҳаларга кетишга мажбур бўлди. Бугун эса вазият ўзгарди: илм-фан ва таълим соҳасида ишлаш учун рисоладагидек шароит яратилган. Яхши билим олган ёшлар нафақат юртимизда, балки дунёнинг энг нуфузли университетлари ва илмий марказларида ҳам ўз ўрнини топиши мумкин.

Бугун чегаралар кенгайди – билим ва қобилият бўлса, чет элда ўқиш, стажировка ўташ, халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этиш имкониятлари мавжуд.

Шунинг учун ёшларга тилагим: вақтингизни қадрланг, яхши устоз топинг, чет тилларини ўрганинг, кўп китоб ўқинг ва ўзингиз танлаган соҳани чин дилдан севинг. Илмда натижа дарҳол келмайди. Лекин сабр, меҳнат ва қизиқиш бўлса, албатта, ўз самарасини беради. Энг муҳими, ўзингизга ва қобилиятингизга ишонинг. Менинг ҳаётимда ҳам илмга сарфланган вақт ҳеч қачон зое кетмаган. Бугунги мукофотни ҳам ана шу кўп йиллик меҳнатнинг муносиб натижаси, деб биламан.

– Самимий суҳбат учун раҳмат.

Баҳодир КАРИМ суҳбатлашди.



Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўрнак олиш яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қилади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ҚУТЛОВ



Зоҳид ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси профессори, “Имом Бухорий” ордени совриндори

МАЪНАВИЙ МЕРОС МАКОНИ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллик шодиёналари Ўзбекистон ва дунё бўйлаб ватандошларимиз томонидан кенг нишонланмоқда. Мана шу мунаввар лаҳзаларда айтилган гаплар тўлиқ самимиятга йўғрилган бўлади. Янги Ўзбекистон давридаги ўзгаришлар таҳсинга лойиқ ва унга етарли сўз ҳам топа олмаймиз. Тарихлар гувоҳки, юртимиз тамаддунлар бешиги ҳисобланади. Президентимиз бежиз Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини очгани йўқ. Бу муаззам даргоҳ кўрган одамни ҳайратга солади. У ерда минг йиллар аввал ҳам заминимизда илм-фан, маданият, санъат кенг ривожланганига гувоҳ бўламиз. Минглаб қўлёзма асарлар, манбаларнинг ўзи бутун дунёни илмга тўлдирган, ҳалиям улардан манфаат олиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, дунё олимлари “Ўзбекистон – алломалар юрти”, “Ўзбекистон – қўлёзмалар хазинаси, маънавий мерос макони” деб аташади.

Бир мисол: сўнгги йилларда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилиши улуғ аллома меросига алоҳида руҳ бағишлади. Натижада ҳазратнинг 24 та асари мавжуд экани аниқланди. Биргина “Саҳиҳул Бухорий”нинг дунё фондларида мингдан зиёд қўлёзмаси мавжудлиги маълум бўлди. Уларни ким ўрганиши керак аввало? Албатта, ўзбекистонлик олимлар, таъкидлаб ўтишим керакки, ёш авлод. Бу борада давлатнинг ўзи йўлбошчи ва кўмакчи бўлиб турибди. Кейинги йилларда ислом оламида тан олинган даҳоларимиз номига очилган халқаро илмий-тадқиқот марказларида айнан ёшлар билан биргаликда қадимий меросимизни ўрганишга азму қарор берилган.

Имом Бухорий номи билан аталган мукофотга лойиқ кўрилганим, аввало, академиямиз, Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси жамоасининг меҳнати натижасидир. Мен юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклаб, барчага янги куч-ғайрат, шижоат ва юксак муваффақиятлар тилайман!



Насиба ТАЛИПОВА,
“Дўстлик” ордени билан мукофотланган марҳум Ҳожимурод Талиповнинг турмуш ўртоғи

ХОТИРАГА ЭҲТИРОМ

Муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан турмуш ўртоғим – Ўрмон хўжалиги агентлигининг чўлланишга қарши курашиш ва деградацияга учраган ерларни тиклаш бўлими собиқ бош мутахассиси, биология фанлари номзоди Ҳожимурод Талиповга “Дўстлик” ордени берилди. Мукофотни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов халқ вакиллари иштирокида тантанали равишда менга топширди. Бу эътибордан бошимиз кўкка етди. Демак, олимнинг бутун фаолияти давомида илм-фанда, Ўзбекистонни яшил маконга айлантиришда қилган хизматлари ерда қолмабди, Президентимиз жудаям юксак баҳолабди, умр зое кетмабди. Бу сийлов уларнинг изида қолган фарзандлари, шогирдлари, бошлаган ишларининг давомчиларига янги куч ва руҳ берди.

Давлатимиз раҳбари қалбимиздаги жудолик азобига, дардимизга малҳам босгандай бўлди. Тилагим, юртимиз ҳамиша тинч бўлсин. Умр йўлдошим орзу қилгандек, атроф-муҳит озода бўлиб, ҳамма ёқ яшил маконга айлансин. Издошлари, шогирдлари янаям юқори чўққиларга чиқишларига тилакдошман!

КИНО ОЛАМИДА

ҲАҚИҚИЙ БАҲО



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли кинорежиссёр Жаҳонгир ҚОСИМОВ билан суҳбат

– Жаҳонгир ака, кино оламига кириб келганингизга ярим аср тўлди. Илк фильмларингизни кўрганларнинг ярми нуроний фаслда, ярми уларнинг мағзини чақувчи ўрта ёш авлоди. Ёшлар ҳам “Чангак”, “Дев билан пакана”, “18-квадрат”, “Сув ёқалаб”, “Шайтанат” каби бадиий фильмлар таърифини тинглаб, янгича тафаккур билан томоша қиляпти. Истиқлолга эришиб, совет қолипларидан холи бўлган, миллий характер акс этувчи фильмлар яратишда пешқадамлардансиз. Айниқса, сўнгги йилларда миллий кино санъатини кўтаришда салмоқли ҳиссангиз бор. Бу йил иккита фильмдан иборат “Осмони фалакларда” кинокартинасининг премьералари кўтаринки руҳда ўтказилди. Суҳбатни ана шу қайноқ ижод маҳсулининг яратилиш тарихидан бошласак.

– Сўнгги йилларда давлат билан бирга жамият ҳам ўзгарди. Одамларнинг дунёқарашида туб бурилиш ясалди. Ўз-ўзидан бўлди, дейсизми? Йўқ, албатта. Буларнинг замирида янги замон ислоҳотлари турибди. Халқ янгича тафаккур билан янгича ҳаёт учун ҳаракатга келди. Шундай пайтда адабиёт ва санъат вакиллари жим қараб туриши мумкинми? Биз ҳам қўлимиздан келганча янги асарларни тақдим этишга киришдик.

Кино танқидга энг кўп нишон бўладиган соҳалардан. Чунки ижод эркинлиги доим ҳам ижобий эркинлик дегани эмас. Демак, енгил-елпи мавзуларда савияси ҳаминқадар бўлган фильмлар, теленовеллалар, умуман, киномаҳсулотлар майдонга чиқиши табиий. Мана шу жойда профессионал ижодкорлар ҳам халққа ўз маҳсулотини тақдим этиши керак. Шунда танлов имкони пайдо бўлади. Биз ҳозир шунинг ҳаракатидамиз. Кинорежиссёрларнинг ҳар бири ўз йўли, тутумига эга. Масалан, ўзим янги фильм ғояларини бадиий китоблардан оламан.

Сиз таъкидлаган иккала фильм ҳам Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг “Осмони фалакларда” китобига киритилган жуфт ҳикоя асосида дунёга келган. “Бир кишилик авиаҳалокат” ҳикояси “Авиапарвознинг ягона қурбони”га, “Осмони фалакларда” эса “Осмон қироли”га айланди. Бошида битта лойиҳа бўлиши керак эди: 40-45 дақиқадан ҳар бирига вақт ажратмоқчи эдик. Лекин суратга олиш пайтида ўзгаришлар бўлиб, қарийб икки баробарга ошди давомийлиги. Тасаввур қиляпсизми, асар бизнинг ихтиёримиздан чиқиб кетди. Бугунги томошабин 2 соату 35 дақиқалик фильмни кўришга тоқати етмаслигини ўйладик. Ижодий жамоа билан маслаҳатлашиб, иккита фильмга айлантирдик. Премьералар орасида ҳам бир ярим ой вақт бор. Аслини олганда, иккита мустақил мавзу – икки фильм. Биринчиси – оғриқли муҳаббат, иккинчиси – инсоннинг ўзлиги ҳақида. Кинода ҳикояда ёзилган бир неча қатламли мавзулар, муаммолар, дардларнинг ярмини олиб чиққан бўлсак ҳам, ўзимни бахтли деб ҳисоблайман. Бу борада Карим Мирҳодиев, Юлдуз Ражабова, Мердан Матвелиев, Аббос Иброҳимов каби истеъдодли актёрлар туфайли мақсадимизга эришдик, деб ўйлайман.

“Авиапарвознинг ягона қурбони” фильми бир неча ойдан бери Миллий кино санъат саройида қўйиляпти. Кўрганларда битта эътироз: нега йигит ўлиши керак охирида? Шу масалада муаллифга мурожаат қилганимизда, айтдики: *“Тушунинг, агар бу бола тирик қолса, бу ғавғолар ҳеч қачон тугамайди. Иккаласи ҳам бу чигал йўлдан қайтмайди. Персонажнинг табиати шунақа. Анна Каренинани эсланг. Толстой айтган эди-ку, мен иложсизман, ўзини-ўзи ташлаб юборди, ушлаб қола олмадим, дегандек”.* Сизга бир воқеани айтай. Миллий педагогика университетидаги учрашувда фильмни кўрсатдик. Шунда талабалардан бири: “Бу ерда қурбон ким?” деб сўради. Баҳсли. Мен айтдимки, бу ерда муҳаббат қурбон бўлди.

Шуҳрат Аббосов менинг домлам бўлган. У кишидан бир сабоқни доим ёдда тутаман: “Сенда иккита сценарий турибди. Биттасининг сюжети зўр, иккинчисида характер зўр. Сен иккинчисини танла. Чунки характерлар доим, хоҳлайсанми-йўқми, қарама-қаршилик келтириб чиқаради. Шунда хоҳлаган нарсангни ўша характер орқали очиб берасан”. Замонавий томошабиннинг талаби ҳам шу. Дунёда ҳам томошабин шовқин-сурон, ноодатий, кутилмаган воқеалардан кўра, кучли характер очиб берилган фильмларга қизиқиш билдиряпти. Янги икки фильм ҳам ана шу талабга жавоб беради.

– Икки фильм, актёрлар хусусида куюниб, гоҳ фахрланиб гапирдингиз. Руҳиятингиз кино оламига кириб кетди, менимча. Ижод ҳақида гапирганда шунча туғён бўлса, ижоднинг ўзи қандай шиддатли кечар экан...

– Аслида, мен актёр бўлишни хоҳлардим, режиссёрлик хаёлимга келмаган. Ўқишга Абдураим Абдуваҳобов билан бирга тайёргарлик кўрганман. Киноларда кичик эпизодларда ҳам ўйнаганман. Имтиҳонга келганимда, Турсунбой Исроилов деган домла мени кузатди-да, “Йўқ, сендан актёр чиқмайди. Сенинг ички назоратинг ҳаддан ташқари кучли”, деди. Шунақа хафа бўлдим. Кейин армияга чақиришди. Хизматда сиёсий йўриқчимиз бўларди, бир куни сўраб қолди: “Кўп китоб ўқияпсан, ким бўлмоқчисан ўзи?” Айтдим. “Сен режиссёр бўлгин. Режиссёр спектакль қўяди. Кейин истасанг хоҳлаган ролингни ўйнайверасан”, деди. “Йўғ-э”, дедим. Унинг рафиқаси ҳарбий қисмда кутубхона мудираси эди. Менга режиссура тўғрисида китобларни топиб берди. Атоқли режиссёрлар Эфрос, Товстоногов асарларини тушуниб-тушунмай ўқишни бошладим. Лекин кино хаёлимда йўқ эди. Хаёлимда театрда ишлайман, Товстоногов бўламан, Станиславский бўламан, деган ўйда институтга режиссура бўйича ҳужжат топширдим. Кейинчалик йўлим кинога бурилди, ўзим роль ўйнашим мумкин бўлган вазиятлар бўлди. Лекин режиссёр Жаҳонгир Қосимов ҳеч қачон актёр Жаҳонгир Қосимовни съёмка қилолмайди, деган хулосага келдим. Ахир, Сергей Бондарчук эмасдим-да.

Актёр бўлиш учун бошқача туғилиш керак экан. Актёрларга меҳр-муҳаббатим жуда кучли. Уларни бошқа бир сайёранинг одами бўлса керак, деб ўйлайман ҳануз. Шунданми, ўзим ҳам актриса билан оила қурганман.

– Бондарчук ўзи режиссёрлик қилган “Уруш ва тинчлик”, “Инсон тақдири” фильмларида бош ролларни ижро этганига ишора қилдингиз. Бу санъат даҳосининг қимматли фикри ёдимга тушди: “Кино ярим ижод, ярим ишлаб чиқариш корхонаси деган гап”. Бироқ бугун бу санъатнинг тўлиқ саноатлашиб кетаётганига нима дейсиз?

– Ўзгаришлар даврида шунақа бир “вабо” тарқайди. Бу ўтиб кетадиган жараён. Вақт керак, холос. Юқорида ҳам айтдим, қўшимча қиламанки, арзон-гаров асарлар абадиятга дахлдор эмас. Балки сақичдай ҳамманинг оғзида чайналиши мумкин, бироқ унинг тақдири, охир-оқибат, ахлат қутиси. Кино харажатсиз бўлмаслиги турган гап. Аввал кино тўлиқ давлат ихтиёрида эди: ўзи буюртма бериб, ўзи тарқатарди. Одамлар учун ҳам бошқа эрмак йўқлигидан берилган кинога термилиб ўтирган. Энди танлов пайдо бўлди халқда. Шу билан бирга, энди киночилар олдида реклама учун, замонавий тилда “пиар” дейди, катта маблағ йўналтириш эҳтиёжи туғилди. Шундай экан, кўп нарса молиявий масалага тақалади. Бу фақат бизда эмас, бутун дунёдаги ҳолат. Ихтиёр танловчида, танловчининг ихтиёри эса диди, савияси, ахлоқига боғлиқ.

Яна бир гап: глобаллашув жараёни миллий киномизга ҳам таъсир қилмай қолмаяпти. Кинода ўзлигимизни, актёрларимизда ўз қиёфасини йўқотиш хавфи туғилди. Олдинги киноларни, спектаклларни кўринг: ҳар битта актёрнинг ўзига хос қиёфаси, ажралиб турувчи овози, умуман, ўз “мен”и бор эди. Ҳозир ёш актёрлар бир-бирига ўхшайди, ажрата олмайсиз. Ҳатто, ўрта авлод вакилларига ҳам юқяпти бу. Гап фақат имижда эмас, дунёқарашдаги бир хилликда. Сиз Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимовга қаранг! Улар театр ё дубляжга борса, кўчада кўрган одам тўхтаб қоларди. Ҳаётда ҳам савлат-салобатини сақлаб қолганди. Уларнинг ўрнини босиб бўлмаган.

Бир вақтлар ёш талант деб такрор-такрор айтилган Бобур Йўлдошев, Улуғбек Қодиров, Алишер Узоқов, Адиз Ражабов каби актёрлар ҳам улғайди. Булар меҳнат орқали ўз қиёфаларини яратди. Энди санъатга кириб келаётган ёшлар ҳам вақтни бой бермай ўзини топиши керак. Умр ўтиб кетади. Муҳим қоида бор: бир нарсага эришиш учун жиддий меҳнат қилиш керак. Диплом олган билан актёр бўлиб қолавермайди одам.

– Ёшларга аталган тавсияларингиз билан ўртоқлашсангиз. Ахир, эртанги санъатимиз тақдири бугунги йигит-қизларнинг истеъдоди ва ҳаракатига боғлиқку…

– Инсон қайси ишга қўл урмасин, меҳр бериши керак. Ҳозирча пул учун, танилиш ё бошқа мақсадда савиясиз ишларга қўл урсам, ҳечқиси йўқ, кейин катта фильм қиламан, деган хаёл – пуч хаёл. Кема саёз жойда чўкади, деган гап бор. Бу қарашдан воз кечиш керак. Чунки ҳаёт кеча ҳам эмас, эртага ҳам эмас. Ҳозир қилинаётган иш – ҳақиқат, ҳақиқий баҳо. Ўзини алдашдан ёмони йўқ.

– Сир бўлмаса, бугун қайси лойиҳалар билан бандсиз?


– Бундан 10-15 йил олдин таъсирли бир ҳикоя ўқигандим – “Дашту далаларда” деган ҳикоя. Ҳажми чоғроқ, воқеаси ҳам оддийгина. Лекин ундаги ҳаёт фалсафаси, муҳаббат можароси, оила ришталари… Умуман, даҳшатли ҳикоя. Мурод Муҳаммад Дўст деган ёзувчи мана шу ҳикоядан туғилган. Унгача ҳам ёзган, лекин мен кейингиларини профессионал адиб ижоди деб биламан. Мана шу мўъжаз асар Қодирий, Қаҳҳор ҳикоялари билан бир сафда туради, назаримда. Назар Эшонқул таъбирича, Мурод ака шу ҳикояни ёзиб, бошқа ёзмаганида ҳам адабиётда қоларди. Буни бир неча марта экранлаштиришмоқчи бўлишган. Муаллиф йўқ деган. Ўзи ҳам сценарийлар ёзарди. Яқинда шу ҳикояни суратга олишга розилик берди. Ҳозир шунинг устида иш бошлаяпмиз. Худо хоҳласа, келаси йили шу пайтга тугатсак керак.

– Суҳбатимиз сўнгида тилакларингиз бўлса, марҳамат.

– Бугунги осойишта ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиб, юртимиз тараққиётига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Зеро, Ватан равнақи – барчамизнинг умумий мақсадимиз, келажагимиз эса бугунги эзгу ишларимизга боғлиқ. Шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик ва келажакка ишонч туйғуси барқарор бўлсин. Юртимиз тинч, халқимиз ҳамиша аҳил ва бирдам бўлсин. Мустақиллигимиз абадий, халқимиз фаровон бўлсин!

– Истиқлол заҳмати ва нашидасини ижодкорлар теранроқ ҳис этади. Сизга ҳам бу қутлуғ айём муборак бўлсин! Янги ижодий фаолиятингизда муваффақият тилаймиз. Катта раҳмат!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.



> **Истеъдоднинг муҳим белгиси – одам нимани хоҳлаётганини яхши билишидадир.**
>
> **Пётр КАПИЦА**

ИЗҲОР



Дилбархон МАМАЖОНОВА, Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси, “Дўстлик” ордени совриндори

ИШТИРОКЧИДАН ТАШАББУСКОРГА АЙЛАНДИК

Агар ўтган йилларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, мамлакатимиз жуда катта ислоҳотлар, халқаро ташаббуслар марказида турибди, шу билан бирга, бизнинг дунёга, дунёнинг бизга қараши ижобий томонга ўзгарди. Халқда сўз бор-ку, назар ўнгдан тушди, деган.

Эътибор берсак, яқингача ҳам давлатимиз БМТ каби халқаро ташкилотлар чиқарган резолюция, декларация ва конвенцияларни ратификация қиладиган давлат эди. Бугун Ўзбекистоннинг ўзи ташаббускорга айланди. Муҳтарам Президентимиз илгари сурган ғоя ва ташаббуслар халқаро ҳуқуқ базасини бойитиб, умумжаҳон майдонида эътироф этилмоқда.

Бу жараёнга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Қонунларни қабул қилишда аввало инсон қадрига эътибор қаратилаётгани халқимизга маъқул келяпти. Фуқароларнинг парламентга бўлган ишончи ортяпти, бу ўз навбатида, депутатларнинг масъулиятини оширмоқда.

Қайноқ жараёнлар билан мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрамига ҳам етиб келдик. Юртдошларимизни улуғ айём билан табриклайман! Юртимизда тинчлик бўлсин, мустақиллик абадий бўлсин! Илоҳим, ҳар бир хонадондан байрам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

ЖАҲОН АЙВОНИДА

СИ СОЛИҚ ТЎЛАСИН

“Microsoft” асосчиси Билл Гейтс сунъий интеллект (СИ) бўйича ўз хавотирларини билдирди. У ишчилар ўрнини эгаллаётган СИ учун янги солиқларни жорий этиш ҳақида мақола эълон қилди.



“Microsoft” асосчисининг айтишича, бундай солиқ инсон меҳнатининг тез суръатда қисқаришини бироз секинлаштиради. Шунингдек, бу одамларни малака ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш учун маблағ йиғишга ёрдам беради.

АҚШ ХИТОЙ КИБЕРНИШОНИДА

АҚШ расмийлари мамлакатнинг давлат ташкилотлари ҳамда махфий идораларига киберҳужумлар уюштирган Хитой хакерлар тармоғи фаолиятини тўхтатди. Қўшма Штатлар Адлия вазирлиги хакерлик операциясида



фойдаланилган QScan ва QTRouter платформаларига тегишли доменларни мусодара қилганини билдирди. Бу ҳақда Reuters хабар берди.

Хакерлар ҳужуми нишонига Адлия ва Энергетика вазирликлари, НАСА, Федерал захира тизими, Сенат ҳамда Соғлиқни сақлаш хизмати ва Миллий саломатлик институтлари тушган. Шунингдек, АҚШ ва Жанубий Кореядаги тўртта хусусий компания ҳам киберҳужумдан зарар кўрган.

ДАРСЛИКЛАРДА ҲАҚИҚАТ АКС ЭТСИН



Қозоғистон президенти Қасим-Жомарт Тоқаев масъулларга ишончсиз тарихий маълумотлар берилган ўқув материалларини қайта кўриб чиқишни топширди. Унинг сўзларига кўра, мактаб ўқувчиларига аслида бўлмаган қаҳрамонлар ва воқеалар ҳақидаги афсоналар ўқитилмаслиги керак, деб хабар берди “Exclusive.kz”.

Давлат раҳбари аввалроқ ҳукумат мактаб дарсликларида 700 дан ортиқ қўпол хатолик аниқлангани ҳақида хабар берганини эслатиб ўтган. Президентнинг фикрича, бундай камчиликлар таълим сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ҚОНУНБУЗАРЛАР ХОРИЖГА ЧИҚАРИЛМАЙДИ



Хитойда 15 сентябрдан бошлаб мамлакатга кириш ва чиқиш бўйича янги қоидалар кучга киради. Тегишли қарорни Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши қабул қилди.

Ҳужжатга кўра, хорижда миллий хавфсизлик ва мамлакат манфаатларига таҳдид солувчи ноқонуний ёки жиноий ҳаракатларни содир этган Хитой фуқароларининг чет элга чиқиши вақтинча чекланади.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР КЕРАК ЭМАС



“Толибон” Афғонистондаги хусусий университетларда ҳуқуқ, сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар йўналишларини босқичма-босқич тугатиш ҳақида топшириқ берди. Бу ҳақда Hasht-e Subh Daily нашри қўлга киритган ҳужжатда айтилади.

Ҳужжатга кўра, қарор “Толибон” Раҳбарлик кенгаши томонидан муҳокама қилинган ва қабул қилинган. “Толибон” ушбу қарорни икки сабаб билан изоҳлади: бу факультетларга талабалар жуда кам ҳужжат топширмоқда ҳамда битирувчилар учун иш ўринлари етарли эмас.

ВАРРАК УЧИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ғазо секторида ота-оналарга фарзандларининг варрак учиришига йўл қўймаслик сўралди. Бу ҳақда “Reuters” хабар берди.

Қайд этилишича, сўнгги бир ой ичида Ғазодан Исроил ҳудудига бир нечта варрак учиб ўтган. Уларнинг ёндирувчи моддалар олиб юргани аниқланмаган бўлса-да, чегара яқинидаги Исроил аҳолиси бундан хавотирга тушган.



Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяху аввалроқ Ғазодан Исроил томон варрак, шар ёки дрон учирилиши давом этса, бунга алоқадор шахслар нишонга олиниши ва варраклар учирилаётган ҳудудлар эвакуация қилинишини билдирган.

ЯХШИЛАР ЁДИ

ТЕАТР НАҲРИ ҒАВВОСИ

Ўтган асрнинг бошларида Туркистон учун мутлақо янги соҳа – санъатшунослик ва унинг бир қирраси бўлган театршунослик фани кириб келди ва ривожлана борди. Бироқ ўлкада содир бўлган катта ўзгаришлар, сиёсий қатағон тўлқини бу соҳани сунъий равишда тўхтатиб қўйди. 1945 йилда Театр санъати институтининг ташкил этилиши муносабати билан бу соҳалар қайта тикланди. Асрнинг 50–60-йилларида бир гуруҳ миллий кадрлар вояга етди. Шулардан бири санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Тошпўлат Турсунов эди.



Тошпўлат Турсунов ва Шукур Бурҳонов

Тошпўлат Турсунов 1932 йили Тошкент вилоятининг Тирсакобод Дархони мавзеида зиёли оиласида дунёга келди. Шу ердаги ўрта мактабда таҳсил олди. Мактабни тугатмаёқ айрим дўстлари билан тўғри Бешёғочга келиб, Театр санъати институтига ҳужжатларини топширди. Жуссасининг кичиклигига қарамай билими кучли бу йигитча дастлабки суҳбат чоғидаёқ устозларининг ҳурматини қозонди, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтга қабул қилинди. Таҳсил чоғи театр санъати, драматургия, адабиёт, фалсафа фанлари билан чуқур шуғулланди. Рус тилида эркин сўзлаш ва ёзиш малакасини орттирди. Соҳасининг сир-синоатини пухта эгаллади. Институтни тугатгач, санъат муассасаларида фаолият кўрсатди. Театр санъати институтида дарс бера бошлади.

У Ўзбекистон Фанлар академиясининг Санъатшунослик институти аспирантурасига қабул эълон қилингач, ҳужжатларини топширди. Бу вақтга келиб, институт Тошпўлат Турсуновни илмий ходимликка чақириб олган эди. Институтнинг йирик асарларидан бири бўлган “Ўзбек совет театри” китобини европалик мутахассислар билан бирга тайёрлашда иштирок этиб, ўзини олим сифатида намоён этди.

Домла реализм муаммоси устида жиддий тадқиқот олиб борди. Эски ўзбек алифбосини ўрганди ва 1920–1930-йиллар матбуотида эълон қилинган барча мақола, тақриз ва танқид, журналистларга хос чиқишларини синчковлик билан кузатиб, таҳлилу танқидий назардан ўтказди, муаммо жанрининг нозик жиҳатларини кашф этди. Ёш олимни Иброҳим Мўминов, Иззат Султон каби устозлар қўллаб-қувватлади. 1965 йилда Москвада илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Домла турли йилларда саҳналаштирилган спектаклларнинг муҳокамаларида мунтазам иштирок этиб, ўзининг мантиқий фикрлари билан асарнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича кўрсата олгани боис, устозлар ва театр арбоблари олдида билимдон ва ростгўй танқидчи сифатида эътибор қозонди. Эсимда бор, 80-йиллар бошида бир муҳокамада у киши ўн дақиқа гапирди. Шунда спектакль таҳлилидан тўлқинланиб кетган улуғ олим Иззат Султон ўрнидан даст туриб, “Тошпўлат яхши адабиётшунос эканига амин бўлдим”, деган эди.

Олим Ўзбекистон телевидениеси ташкил этилгач, “Театр ижодхонасида”, “Актёрлар ва роллар”, “Афишалар тилга кирганда” рукни остида кўрсатувлар тайёрлаб, театр ва томошабин масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Театр ва рассомлик институтида муаллим бўлиб ишлаш билан бирга, Санъат бош бошқармаси қошидаги репертуар – таҳририят ҳайъатининг бош муҳаррири, кейинроқ институт театршунослик кафедрасининг мудири вазифаларида фаолият олиб борди. Институт жамоаси қувватлаши билан муассасага ректор этиб сайланганида ҳам олимнинг кўнглида илмий ишларни давом эттириш орзуси кучли бўлгани боис, қалбида миллий театр санъати саҳифасидан номлари ноҳақ ўчирилган ёки қораланган кишиларнинг фаолиятини теранроқ ўрганиш, масалага атрофлича баҳо беришга интилиш кучая борди ва чуқур илмий изланишлар натижасида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий тадқиқотида миллий театр санъатини ташкил этишда маҳаллий тараққийпарвар, миллий маданиятни ривожлантириш тарафдори бўлган саховатли миллат ходимларининг ўрни катта эканини кўрсатувчи далилларни Москва ҳужжатгоҳларидан топди. Афсуски, дастлабки муҳокамалардаёқ бу ҳужжатлар советлар ҳукуматининг сиёсатига соя солади, дея илмий ишдан олиб ташланди.

Тошпўлат Турсунов ректор сифатида Театр ва рассомлик санъати институтини янада тараққий эттириш мақсадида Македониянинг Кирилл ва Мефодий номидаги университети, АҚШнинг Шимолий Каролина университети қошидаги Санъат институтлари, Уйғуристон Санъат институти сингари кўплаб муассасалар билан ижодий алоқалар ўрнатди. Институтда илмий ишлар жонланди.

У фақат театршунослик соҳаси билан чекланиб қолмади. Драматургия соҳасида “Дарбадар”, “Алпомиш” пьесаларини ёзди. Б.Брехтнинг “Бандаи гумроҳ”, “Ҳамма солдат – бир солдат”, Г.Мдивианининг “Консул ўғирланди”, Н.Баэрнинг “Можаро”, К.Амировнинг “Суд олдидан”, И.Афандиевнинг “Яраланган юраклар” ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўгириб, томошабинларга тақдим этди.

Устознинг бадиий тафаккур олами кенг эди. “Болалик кунларимдан қатра хотиралар” китоби шунчаки бир хотира эмас, балки бадиий қиссадек ёзилган. Бу фикрни кўпгина кишилардан эшитдим. Аммо домланинг бутун олами унинг ўз соҳасига бағишланган асарларида мужассам. Ўтган аср ўзбек драматургияси ва театр санъати ривожи ҳақидаги монографияси, “Саҳна ва замон” мақолалар тўплами, Карим Зарипов ҳақидаги, “Ака Бухор”, “Турғун Азизов” номли рисола ва китоблари, айниқса, “ХХ аср ўзбек театри тарихи” дарслик-монографияси театршунослик соҳасидаги муҳим асарлардир.

Афсуслар бўлсинки, домла айни яхши асарлар ёзаётган бир пайтда матбуотда айримларнинг “хизмати” билан туҳмат тоши отилди. Кўплаб кишилар босилган ғийбатни қабул қилмадилар ва ўз хайрихоҳликларини билдириб, домланинг кўнглини кўтаришганига гувоҳман. Махсус ташкилот вакиллари тўпланган ҳужжатларни объектив ўрганиш жараёнида домланинг айбсиз экани тўлиқ исботланди. Аммо бу воқеалар устознинг саломатлигига анча зарар келтирди.

Тошпўлат Турсунов феъли кенг, билими теран, қалби пок инсон, мутахассис сифатида драматург, режиссёр, актёр ижодидан бадиий янгиликлар изловчи ғаввос эди. Домланинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан Театр санъати институтида ўтказилган анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло сўз олиб, қисқа ва нишонга тегадиган холис баҳони беради: “Тошпўлат ҳалол одам, асар муҳокамасида судья ҳам, прокурор ҳам эмас, у бадиий ижод кашфиётчисидир”.

Сирожиддин АҲМАД

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



МУСА ЖАЛИЛНИНГ ҚАРШИЛИК ДЎСТИ

Татар халқининг улуғ шоирларидан Муса Жалилнинг жасоратга йўғрилган ҳаёти ва ижодий фаолиятидан халқимиз яхши хабардор. Айниқса, шоирнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тутқунликда ёзилган “Маобит дафтари” китобига киритилган қуйидаги сатрлар эл орасида жуда машҳур бўлиб, ҳофизлар томонидан куйланган:

Сенга мендан хабар берсалар,
“У йиқилди чарчаб”, десалар,
Йўқ, ишонма, бағрим!
Бу сўзни –
Дўстлар айтмас, яқин кўрсалар.

Тақдир деганлари қизиқ-да, 1906 йилда олис шимолнинг Мустафин қишлоғида туғилган Муса ва 1919 йилда Қарши шаҳрининг Чақар маҳалласида туғилган Ҳабибнинг ҳаёт йўли кесишади, деб ким ўйлабди.

* * *

1939 йилда йигирма ёшли Ҳабиб Файзуллаев ҳарбий хизматга чақирилади. Бурчини ўтаган аскар уйга қайтишига саноқли ойлар қолганида машъум уруш бошланади. Уларнинг ҳарбий бўлинмаси душман билан Триполида тўқнашади. Омонсиз жангларнинг бирида снаряд парчаси Ҳабибнинг ўнг оёғини мажақлаб ташлайди, ҳушига келганида эса асирга олинганини кўради. У ва бошқалар Львов шаҳридаги ҳарбий лагерга олиб келинади. Бу ерда гувоҳи бўлган илк манзара – худди ўтин каби тахлаб қўйилган жасадлар эди... Кейинги йилларда уларнинг ҳам ўликлардан фарқи қолмайди, фақат нафас оларди, холос. Маҳбусларни 1943 йилнинг қишида Берлин яқинидаги Вистрау лагерига кўчиришади. Ўша ерда Ҳабиб Мусо Гумиров билан танишади. Кейинроқ унинг лагердаги яширин ташкилот раҳбари ва асл исми Муса Жалил эканини билади. Машҳур шоир фамилиясини фашистлардан яширган эди.

Ҳабиб шеъриятнинг шайдоси бўлгани боис, ўзининг янги машқларини Муса Жалилга кўрсатади. Шоир қуйидаги шеърини таҳрир қилиб беради:

Кулма, эй душман! Узоқ чўзилмас
Бошимга тушган бахтсиз кунларим.
Ҳақиқат устуни ҳеч қачон қуламас,
Ёруғликка чиқар зулматли тунларим..

Энг оғир дамларда Муса Жалил ёш Ҳабибни руҳан синмасликка ундар ва уни “иним” деб чақирарди. Минг афсуски, кунларнинг бирида айғоқчилар ташкилотдан хабар топади. Муса Жалил 1945 йил февраль ойининг охирларида лагердан олиб кетилади ва қийин-қистовлардан кейин қатл этилади. Дўсти ва устозининг ўлими ҳақида Ҳабиб Файзуллаев фақатгина урушдан сўнг эшитади...

* * *

АҚШ қуролли кучлари лагерда омон қолган маҳбусларни озод этиб, Франкфурт шаҳридаги советларнинг махсус бўлим ходимларига топширади. Махсус вагонларга жойланган маҳбуслар узоқ шимолдаги Коми ўлкаси Кочлес посёлкасига олиб келинади. Қийноқ ва хўрликлар қайтадан бошланади. 1948 йилда “учлик” ҳарбий трибунали Ҳабиб Файзуллаевга 25 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини берди. Айби – урушда асир тушгани эди. Ҳукмдан сўнг яна уч ой умумий турмада сақланади. Сўнгра Инта шаҳрига, махсус оғир режимли лагерга жўнатилади. Асирларни 250 метр чуқурликдаги кўмир конида ишлатадилар.

У бир неча бор юқори идораларга “мен сотқин эмасман” мазмунида шикоят хати ёзади. Лагердан хат жўнатиш азоб эди. Маҳбусларнинг уйларига ёзган хатлари ҳам йўқ қилиб юборилларди. Аммо кунларнинг бирида унга “Кутинг, ишингизни қайта кўриб жавоб ёзамиз”, деган хат келади. Сталин ўлимидан сўнг иши қайта кўрилган Ҳабиб Файзуллаев муддатидан илгари озодликка чиқди.

Нобель мукофоти совриндори А.Солженициннинг “ГУЛАГ архипелаги” ва Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” асарларини ўқиб чиққан Ҳабиб Файзуллаев: “Биз кўрган азоблар бундан баттар эди. Тирик қолиш учун ўлган одамларнинг гўштини еганларни, совуққа чидолмай, кафансиз кетган минглаб одамларни кўрдим. Жоним темир эканми, уч йиллик тергов азобларидан омон чиқдим. Терговда менга хоин деган тамғани босмоқчи эдилар. Лекин бирор-бир хиёнатни исботлай олмадилар”, деган экан.

* * *

Ҳабиб “юртга қайтдим, энди Ватан учун, халқим учун хизмат қиламан”, деб ўйлаган эди. Афсуски, унинг қайтиши айрим “хушёр”ларни хурсанд қилмади ва қаерга иш сўраб борса, “ватан хоини” сифатида қарадилар. Шундан сўнг у Архангельский ҳарбий маҳкамасига хат ёзишга мажбур бўлди. Хатда уни ҳеч қаерга ишга қабул қилишмаётгани, барча эшиклар у учун ёпиқ экани баён қилинган эди. Кўп ўтмай Архангельскдан Қашқадарё вилоятига жавоб келади. Хатда Ҳ.Файзуллаевнинг айбсиз экани, унга ноҳақ айблов қўйилгани ёзилган эди. Бу хат Ҳабибга ишга жойлашиши учун асос бўлди. У урушдан олдин ишлаган мактабда ўқитувчилик касбини давом эттирди. Кейин эса нақ 40 йил савдо соҳасида фаолият кўрсатди.

* * *

Ҳабиб Файзуллаев ҳаётида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов билан учрашув унутилмас воқеа бўлиб қолади. 1976 йил пахта йиғим-теримининг қизғин палласи эди. “Қаршистрой” бошқармаси бошлиғи Сулаймон Муродов унга қўнғироқ қилиб, Биринчи котиб чўлқуварлар билан учрашиш учун келаётгани, тайёргарлик кўриб қўйиш лозимлигини айтади. Кеч соат саккизларда Шароф Рашидов вилоят раҳбарлари билан бирга дастурхон атрофига ўтиради. Ҳабиб хизматда эди. Сулаймон Муродов Ҳабиб ҳақида Шароф Рашидовга айтган экан. Шароф ака уни ёнига чақиради. “Сиз Муса Жалил билан фашистлар концлагерида бирга бўлганмисиз?” – деб сўрайди. Ҳабиб Файзуллаев бошидан ўтган даҳшатли кунларни қисқа қилиб гапириб беради.

Шароф Рашидов фашистларнинг ўлим лагеридан тирик қолиб Ватанга қайтиш, тўққиз нафар фарзанднинг отаси бўлиш, Қарши чўлини ўзлаштиришда ҳисса қўшиш – буларнинг ўзи бир қаҳрамонлик, дея ҳурмат кўрсатади. Шу тариқа, яхши инсоннинг шарофати туфайли, ҳали ҳам унга бўлган “ишончсиз”лик муаммолари ечим топади. У йиллар ўтиб нафақага чиққач, бир неча йил ўзи вояга етган Чақар маҳалласи раиси вазифасида фаолият олиб боради.

У ўтмишини, бошидан ўтказган мудҳиш кунларда ёнида елкадош бўлган дўсти Муса Жалилни унутмади. Шоир яшаган юртга бир неча маротаба борди. Унинг яқинларини зиёрат қилди. Шоирнинг синглиси Хадича опа билан ака-сингил тутиниб, дўстона муносабат ўрнатди. Бир неча йиллар давомида оилавий борди-келдини узмади. Муса Жалилнинг турмуш ўртоғи ва қизи Чўлпон билан танишди. Муса Жалилнинг 70 ва 80 йиллик таваллуд кунларига қатнашиб, Қозон ва Оренбургдаги тадбирларда шоир ҳақидаги хотираларини сўзлади. Татар халқини шоирнинг сўнгги кунларидаги воқеалардан хабардор қилди.

Ҳабиб Файзуллаев Ўзбекистон мустақилликка эришган, озод ва обод юртнинг қадди юксалган кунларга гувоҳ бўлди, 1994 йил “Жасорат” медали билан тақдирланди. 88 ёшида вафот этди. Унинг “Сабр билан енгдим ўлимни” китобидаги ижод намуналари уруш ва қатағон изтиробларидан сўзлайди.

Ўролбой ҚОБИЛ

ФОРУМ

ЖАҲОН НИГОҲИДА



Шу йил 24–28 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ислом цивилизацияси: янги нигоҳ – янги кашфиётлар” халқаро медиафоруми бўлиб ўтди. Миқёси ва географиясига кўра кенг қамровли бўлган мазкур форумда жами 50 мамлакатдан 300 нафардан ортиқ мутахассислар иштирок этди.

Хусусан, “Euronews” бош директори ва бош муҳаррири Клаус Штрунц, “CNN International” минтақавий директори Имран Аҳмад, BBC вакили ва “Dars Consulting” директори Сергей Становкин, италиялик ношир, “Sandro Teti Editore” нашриёти асосчиси Сандро Тети сингари нуфузли меҳмонлар ташриф буюрди. Дастурдан, шунингдек, “Al Jazeera”, “TRT World” ва “TRT Avaz” лойиҳалари тақдимотлари ҳамда “CNN International Commercial” ижрочи вице-президенти Фил Нельсоннинг видео мурожаати ўрин олди.

Форумнинг асосий концепцияси ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, асрлар давомида шаклланган илмий ва маданий меросни замонавий медиа технологиялари ёрдамида кенг оммага тақдим этишдан иборат бўлди. Шунингдек, халқаро майдонда тез-тез кўзга ташланаётган стереотиплар ва исломофобия кўринишларига қарши маърифат ва холис ахборот билан қурашиш ғояси кун тартибига қўйилди.

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда холис ва тезкор ахборотга талаб кескин ошмоқда. Бу, ўз навбатида, журналистлар ва ОАВ ходимларидан юксак билим ва замонавий технологияларни ўзлаштиришни талаб этяпти. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда. Ислом цивилизацияси марказининг янги илмий, маданий, таълимий ва технологик ташаббусларини жаҳонга намоён этишда медиа оламининг замонавий технологияларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Медиафорум фақатгина ялпи мажлислар ва маърузалардан иборат бўлиб қолмай, иштирокчилар учун Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб медиатурлар ҳам ташкил этилди. Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қурилишидаги шарқона услуб, рақамлаштирилган интерактив кутубхоналар, ноёб қўлёзмалар жаҳон олимларида катта қизиқиш уйғотди. Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси ва Амир Темур мақбараси каби тарихий обидаларга уюштирилган зиёратлар меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди. Кўплаб хорижий телеканаллар ушбу масканлардан туриб, ўз мамлакатлари учун махсус репортажларни жонли эфирга узатдилар. Айниқса, форумнинг халқаро спикерларидан бири Клаус Штрунцнинг “Янги яқинлик: Европа ва Марказий Осиёни маданият, медиа ва ғоялар орқали бирлаштириш – Ислом цивилизацияси маркази глобал ахборот маконида” мавзусида қилган махсус маърузаси эътиборга молик бўлди. Бундан ташқари, “Оскар” мукофоти совриндори Бен Кингслининг Ўзбекистон тарихи, унинг буюк сиймолари ва минтақанинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган муаллифлик фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Халқаро медиафорум Янги Ўзбекистоннинг очиқлик, маърифатпарварлик ва глобал мулоқотга тайёрлигини яна бир бор намойиш этди. Бу орқали юртимизнинг бой маданий мероси дунёнинг миллионлаб аҳолисига замонавий медиа тилида етказилди. Бу каби анжуманлар нафақат тарихий ҳақиқатларни тиклашга, балки турли маданият ва цивилизациялар ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жамолиддин БАДАЛОВ

ТИЛАК

ЯНГИ ДАВР ИСЛОҲОТЛАРИ

Муҳтарам Президентимиз яқинда “Ҳар бир талаба ўзига яраша иқтидор эгаси, масалан, у инженерлик бўйича ўқир, шу билан бирга, яхши ашула айтиши мумкин, уларнинг истеъдодига имконият берайлик”, деди. Бу эзгу ташаббус ижросининг бир кўриниши Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Jadid” газетаси таҳририяти билан ўтказилган “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” мавзусидаги ижодий ишлар танлови бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу танлов ғолиб ва совриндорларини самимий қутлайман. Барча иштирокчиларга миннатдорлик билдираман.

Очиғини айтиш керак, ижодий ишлар танлови бўлгани учун улоқ кўпроқ тил ва адабиёт соҳасида, журналистика йўналишида ўқийдиган талабаларда кетади, деган самимий хавотир ҳам бор эди. Аммо натижалар эълон қилингач, аён бўлдики, Ватанни севиш, бир халқ бўлиш ва ягона мақсад атрофида жипслашиш соҳа танламас экан. Ғолиблар сафида бўлажак шифокорлар, муҳандислар, иқтисодчилар, дипломатлар, педагоглар ва санъат аҳли борлигини кўриб чин дилдан қувондим. Демак, Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда!

Фурсатдан фойдаланиб, танловнинг барча ғолиб ва иштирокчиларини, уларга илҳом берган фидойи устозларни ҳамда бутун халқимизни энг улуғ, энг азиз айём – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қутлуғ 35 йиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этамиз!

Мустақиллигимиз абадий, юртимиз тинч, халқимиз омон, ижодкор ёшларимизнинг парвози ҳамиша баланд бўлсин! Кўҳна ва навқирон Ўзбекистонимизда янги ҳаёт ва буюк келажакни биргаликда яратишда бардавом бўлайлик!



Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ижодий фикрлаши ва бадиий тасаввурини кенгайтириш, уларнинг қалби ва онгида Ватанга меҳру муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат туйғуларини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ғояларини кенг тарғиб этиш, муқаддас Мустақиллигимизнинг қутлуғ 35 йиллиги арафасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сарҳисобини ижодкорона тавсифлаш ҳамда миллий қадриятларимизни бадиий талқинда намоён этиш мақсадида талабалар ўртасида “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” мавзусидаги ижодий ишлар танлови ташкил этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда “Jadid” адабий, илмий-маърифий ва ижтимоий газетаси таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилган, қарийб ўн мингга яқин иштирокчини қамраб олган ушбу танлов ўта қизғин ижодий рақобат остида кечди. Тақдим этилган ишларни холис ва адолатли баҳолаш мақсадида таниқли шоир ва ёзувчилар, малакали педагог-олимлар, адабиёт ва санъат соҳаси вакилларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати тузилди. Уч босқичдан иборат бўлган саралаш жараёнларидан сўнг, ғолиблар аниқланди.

ҚУЙИДА ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР ВА ҒОЛИБЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ:

1-ЎРИН (бир нафар)

Сабоҳат Ҳусанова – Денов тадбиркорлик ва педагогика институти талабаси *(Сурхондарё вилояти)*.

2-ЎРИН (икки нафар)

Нигина Ҳожиқурбонова – Тошкент давлат тиббиёт академияси талабаси *(Хоразм вилояти)*.

Байжол Бахит – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси *(Қорақалпоғистон Республикаси)*.

3-ЎРИН (уч нафар)

Диляра Умерова – Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети талабаси *(Жиззах вилояти)*.

Лазиза Номозова – Шаҳрисабз давлат педагогика институти талабаси *(Қашқадарё вилояти)*.

Бибижон Саиббаева – Урганч давлат университети талабаси *(Хоразм вилояти)*.

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ЎРИНЛАР:

Аброр Аҳмедов – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси *(Қашқадарё вилояти)*.

Айседора Алимова – Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси *(Қорақалпоғистон Республикаси)*.

Анора Шокирова – Тошкент давлат транспорт университети талабаси *(Тошкент вилояти)*.

Афзалбек Йўлдошев – Тошкент давлат тиббиёт академияси талабаси *(Наманган вилояти)*.

Гулнозахон Неъматова – Ўзбекистон давлат хореография академияси талабаси *(Андижон вилояти)*.

Жасур Тўқсонов – Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси *(Сирдарё вилояти)*.

Зилола Бегимқулова – Жиззах давлат педагогика университети талабаси *(Жиззах вилояти)*.

Маъмуржон Жуманазаров – Тошкент кимё-технология институти талабаси *(Наманган вилояти)*.

Муборак Ҳайитназарова – Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети талабаси *(Сурхондарё вилояти)*.

Ойгул Комилова – Аниқ ва ижтимоий фанлар университети талабаси *(Фарғона вилояти)*.

Руксана Жаффер – Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси *(Ҳиндистон)*.

Фотима Қўзиева – Тошкент давлат тиббиёт академияси талабаси *(Қашқадарё вилояти)*.

Шаҳризода Ҳусенова – Каттақўрғон давлат педагогика институти талабаси *(Самарқанд вилояти)*.

Шаҳноза Райимова – Фарғона давлат университети талабаси *(Фарғона вилояти)*.

Шаҳноза Янгибоева – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси *(Сурхондарё вилояти)*.

ҒОЛИБ – ТОЛИБЛАР

Қўнғиротдан Хонободгача

Ҳар бир инсон ҳаётида шундай маскан борки, уни бошқа ҳеч бир жой билан тенглаштириб бўлмайди. Бу – Ватан. У инсон туғилган жой, болалик хотиралари, ота-она меҳри, она тили ва аждодлар мероси билан чамбарчас боғлиқ. Аммо Ватан фақат туғилиб ўсган кўча ёки маҳалла билан чегараланмайди. У кенг тушунча. Мен учун бу туйғу Қорақалпоғистоннинг кенг адирларидан тортиб, бутун Ўзбекистон билан уйғунлашади.

Мен Қўнғирот туманиданман. Гарчи Алмати шаҳрида туғилган бўлсам ҳам болалик хотираларимдан тортиб энг ширин дамларим айнан Қорақалпоғистонда, ўзбек ва қорақалпоқ дўстларим билан бирга ўтган. Бугун вояга етган ҳудудимга назар ташлар эканман, ундаги ўзгаришларни ҳам Ватан тараққиётининг бир кўриниши сифатида қабул қиламан. Хусусан, Қўнғирот туманига кираверишдаги ҳудуднинг янгиланиб, чиройли қиёфа касб этаётгани кишида яхши таассурот уйғотади. Кеча таниш бўлган манзаранинг бугун обод ва кўркам тус олаётгани юртимиздаги янгиланишларнинг бир мисолидир.

Бундай ўзгаришларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳам кўриш мумкин. Бир жойда янги мактаб ва боғча қад ростлайди, бошқа ҳудудда йўл ва инфратузилма яхшиланади, яна бир манзилда ёшлар учун янги имкониятлар яратилади. Уларнинг барчасини инсон учун муносиб ҳаёт яратишдек улуғ мақсад бирлаштиради. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз” деган ғоя ҳам айнан шу маънони англатади.

Яқинда “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Анор” лойиҳаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбир доирасида хорижда яшаётган ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш имконига эга бўлдим. Уларнинг ҳаёти ва дунёқараши турлича бўлсада, Ватан ҳақидаги фикрларида умумий бирлик бор. Ким учундир Ўзбекистон ота-онаси ҳикоя қилиб берган юрт, ким учундир аждодлари туғилган замин. Аммо уларнинг барчасини Ўзбекистон номи бирлаштиради. Шу жиҳатдан “Ягона халқ” деган тушунча бир хил фикрлаш дегани эмас. Бу турли қараш, турли ҳудуд ва турли ҳаёт тарзига эга инсонларнинг умумий мақсад йўлида бирлашишидир.

Қорақалпоғистон ҳам ана шу катта оиланинг ажралмас қисмидир. Унинг ўзига хос табиати, маданияти ва қадриятлари Ўзбекистоннинг умумий бойлигини янада ранг-баранг қилади.

Бугун Қорақалпоғистон ҳақида гапирганда, унинг ёшларини ҳам алоҳида тилга олиш керак. Чунки Ватаннинг келажаги билимли, ташаббускор ва катта мақсадлар сари интилаётган авлод билан боғлиқ.

Буни қорақалпоғистонлик Ҳурлиман Калибаева мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг АҚШдаги Мари Болдуин университетининг тўрт йилда фақат бир даъвогарга бериладиган 250 минг доллар миқдоридаги грантни қўлга киритгани кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Бу ютуқ унинг шахсий муваффаққияти бўлиши билан бирга, Қорақалпоғистон ёшларининг салоҳиятини ҳам намоён этади.

Энг муҳими, бундай натижалар бошқа ёшлар учун ҳам илҳом манбаи бўлади. Бир инсоннинг ютуғи ортидан яна кўплаб ёшлар ўз олдига катта мақсадлар қўйиши мумкин. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ана шундай интилувчан ёшлар кўпайгани сари умумий келажагимиз ҳам мустаҳкамланади.

Бугун олдимизда турган вазифа – ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодга муносиб шароит яратиш ва юртимизнинг ҳар бир ҳудудини биргаликда ривожлантиришдир.

Қорақалпоқ фарзанди сифатида шуни мамнуният ила айта оламанки, ҳар бир яхши ўзгаришни Ўзбекистоннинг умумий тараққиёти билан боғлайман. Қўнғиротнинг янгиланаётган қиёфаси ҳам, қорақалпоғистонлик ёшларнинг халқаро ютуғи ҳам, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги бунёдкорликлари ҳам битта мақсадга – халқимиз учун фаровон ҳаёт яратишга хизмат қилади.

Зеро, ягона Ватан – умумий тақдиримиз. Ягона халқ – умумий кучимиз. Янги ҳаёт ва келажак эса барчамизнинг биргаликдаги меҳнатимиздир.

Байжол БАХИТ,
ЎзЖОКУ талабаси.
(Қорақалпоғистон Республикаси).

“Бори элга яхшилиғ қилғил...”

2022 йилнинг февраль ойи эди. Украинада тиббиёт йўналишининг биринчи босқичида таҳсил олардим. Аммо бир кечада келажакка бўлган умидларим ва режаларим жиддий синовга дуч келди. Ўша пайтда, тўғриси, Ўзбекистон ҳақида фақат умумий маълумотларга, унинг бетакрор миллий таомлари, тарихий байрамлари ва қадимий шаҳарлари ҳақидаги илиқ тасаввурларга эга эдим, холос. Бироқ бу заминнинг асл бойлиги бўлган бағрикенг инсонлар мени қандай кутиб олиши, тақдирим нечоғли ўзгаришини тасаввур ҳам қила олмасдим. Юрагимдаги хавотиру иккиланишларга қарамай, тақдир мени ушбу муқаддас заминга етаклади ва бу ҳаётимдаги энг тўғри қадам бўлиб чиқди.

Келдим… Ҳеч қачон ёдимдан чиқмайдиган бир гўзал воқеа бор. Ҳайит арафасида дўстларим билан дўконга киргандик. Кассада ҳисоб-китоб қилаётганимизда бир нуроний онахон биз сезмаган ҳолда маҳсулотларимиз учун пул тўлаб қўйибдилар. Ҳайрон бўлиб, раҳмат айтмоқчи бўлдик. Онахон эса меҳр билан табассум қилдилар. Кейин: “Мусофир талаба экансизлар. Яхшилик кўрган инсон, яхшилик билан жавоб қайтаради...” дедилар-у, дуо қилиб йўлларида давом этдилар. Ўша лаҳзадан бу заминга бўлган меҳрим бўлакча...

Бухоро давлат тиббиёт институтидаги ўзбек устозларим мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб келишди ва ҳеч қачон мусофир эканлигимни билдиришмади. Улар дарслардан кейин ҳам вақт ажратиб, тушунмаган мавзуларимни эринмай тушунтиришди. Масъулиятли имтиҳонлар олдидан эса “Қўрқма, албатта, уддалайсан” деб менга ишонч билдиришди. Бу олийжаноб ғамхўрликни бутун умр унутмайман.

Бир куни ҳамсабоқларим билан сунъий интеллект бўйича ўз ғоямизни инглиз тилида тақдим этишимиз керак бўлди. Хонага кирганимда ҳаяжондан қўлларим титрарди, чунки бу тил менинг она тилим эмасди. Гапира бошлаганимда, ҳеч ким менинг тил билан боғлиқ хатоларимга эътибор қаратмади, ҳеч ким фикримни бўлмади. Аксинча, мени диққат ва ҳурмат билан тинглашди. Ўша куни мен биринчи марта ўзимни шунчаки қабул қилинган меҳмон эмас, балки шу юртнинг келажагини бунёд этаётган жамоанинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис қилдим.

“Битта ип арқон бўлмас”, дейди доно халқ. Бундай ип нозик ва заиф бўлиб, шубҳалар, ёлғизлик ва мағлубият хавотири остида осонгина узилиши мумкин. Аммо у бошқа иплар билан бирлашганда, бутун бир келажакни ёруғликка тортиб чиқара оладиган мустаҳкам арқонга айланади. Ўзбекистонга келганимда ёлғиз бир ип каби эдим, бироқ бу бағрикенг юртнинг меҳрли қўллари мени ўз бағрига олиб, мустаҳкам бир бутунликнинг узвий қисмига айлантирди.

Вақт ўтиши билан ўзбек халқининг бой маданияти, кўҳна тарихи ва гўзал қадриятларига қалбан чуқур боғланиб қолдим. Бу табаррук замин мен учун шунчаки вақтинчалик маскан эмас, балки чин маънода иккинчи Ватанимга айланди. Баъзида қалбимдаги бегоналик туйғуси нақадар тез ғойиб бўлганига ҳайратланаман. Бу юрт мени шу қадар яқин олдики, ўзимни худди ҳеч қачон мусофир бўлмагандек, азалдан шу замин фарзандидек ҳис этаман.

Келажакда шифокор бўлиб, ўзим кўрган бу меҳр-оқибатни одамларни даволаш орқали қайтаришни орзу қиламан. Балки бир кун келиб, мана шу юртда мен ҳам кимнингдир ҳаётига умид олиб кирарман ва ўша куни бир онахон менга ўргатган яхшиликни бошқаларга қайтарарман. Қаерда бўлишимдан қатъи назар, юрагимнинг бир қисми доим шу ерда қолади.

Руксана ЖАФФЕР,
Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси
(Ҳиндистон).

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 454
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 877
Лотин ёзувида – 11 577
Медиа кузатувчилар – 91 497
Буюртма: Г – 839
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов
Навбатчи муҳаррир: Муҳайё Рустамова
Саҳифаловчилар: Эркин Ёдгоров, Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй
Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 23:10

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ